

**МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**БЕКМИРЗАЕВА МУҚАДДАСХОН ЭРГАШЕВНА
НОСИРОВ ИЛҲОМ АББОСОВИЧ**

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРИПИ
ПЕДАГОГИК ПРОФЛАКТИКА
ИШЛАРИ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Тошкент
«Muharrir» нашриёти
2013

Мазкур рисола Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази Илмий кенгашининг 2013 йил 3 апрелдаги 1-сонли қарорига асосан нашрға тавсия этилган.

УЎК: 343.431

КБК 67.404

Б 49

Бекмирзаева М.Э., Носиров И.А.

Одам савдосига қарши педагогик профлактика ишлари ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари: рисола / М.Э.Бекмирзаева, И.А.Носиров; Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Тошкент,: “Муҳаррир” нашриёти. 2013. – 132 б.

ISBN 978-9943-25-290-5

Ушбу рисолада одам савдосига қарши курашишнинг қонунчилик асослари, одам савдосининг ижтимоий педагогик муаммолари, одам савдосининг олдини олишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли ҳамда одам савдосини олдини олишга қаратилган педагогик профлактика ишларининг хусусиятларига оид масалалар кўриб чиқилади.

Рисола мактаблар, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежи ўқувчи ва талабалари, шунингдек кенг китобхонлар оммаси учун ҳам мўлжалланган.

УЎК: 343.431

КБК 67.404

Масъул муҳаррир:

М.Куронов,

педагогика фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

З.Косимова,

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кафедра

мудири, педагогика фанлари номзоди.

Ф.Алимов,

Юристлар малакасини ошириш маркази

Жиноий-хуқуқий фанлар кафедраси мудири,

юридик фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-25-290-5

© М.Э.Бекмирзаева, И.А.Носиров,

2013 йил.

2014/8
A

Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK

1041894
2gj

680

КИРИШ

Дунё йигирма биринчи асрға қадам қўйган, озодлик ва демократия барча миңтақаларда мустаҳкамланаётган бир пайтда юз минглаб эркаклар, аёллар ва болалар меҳнатидан фойдаланиш, уларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш ва уларнинг азоблари эвазига фойда олаётган кимсаларнинг борлиги афсусланарли ҳолдир.

XXI асрда бутун дунё ҳалқарини ташвишга солаётган энг жирканч иллатлардан бири одам савдосири. Одам савдоси – инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бирорларнинг қўлида қул бўлишга маҳкум этиш, инсонлар умрига зомин бўлиш, уларнинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилишдек энг оғир ва жирканч жиноятлардан саналади. Инсонни бегона юртларда бирорга сотиб юбориш, хорижий давлатларга қул сифатида жўнатиш, ёш болаларни ўғирлаб, бошқа нопок шахсларга пуллаш каби мудҳиши воқеалар жамиятимизда учраб турибди. Бундай аянчли ҳолатлар, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда кенг тарқалиб бориб, дунё ҳамжамиятини жиiddий ташвишга солмоқда.

Ана шундай қабиҳ жиноятлар кейинги йилларда миллионлаб одамларнинг тақдирини чил-парчин қилди. Энг ёмони, бу иллат туфайли баъзи бир содда ва оққўнгил, ишонувчан фуқароларимиз устамон одамфурӯш фирибгарларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, уларга ўлжа бўлмоқда. Натижада бундайларнинг бошларига катта ташвишу надоматлар тушмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Барча иқти-

содий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу — энг аввало инсон учун муносаб турмуш ва фаолият шароитларини яраттишдир"¹.

Шаҳвоний мақсадларда болаларни эксплуатация қилиш, мажбурий меҳнатга жалб қилиш, тиламчилик, донор органлари қора бозорининг мавжудлиги битта жиноят — одамлар савдосининг оқибатидир. Одамлар савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдоси, айрим мамлакатларда шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто миллат генофондига ва миллий хавфсизликка реал хавф туғдира бошлади. Бундай вазиятда ҳар қандай ривожланган мамлакат мазкур жиноий фаолиятга қарши курашнинг барча зарурый чораларини кўриши шарт ва Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

Эксплуатация қилиш мақсадида одамлар савдоси билан боғлиқ муаммолар давлатимиз мустақиллигининг илк кунлариданоқ алоҳида долзарбларликни касб этди. Мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар фонида, хусусан, чегараларнинг очилиши ва аҳоли ҳалқаро миграциясининг кучайиши, шунингдек иқтисодиётдаги ўтиш даври билан боғлиқ фуқаролар турмуш даражасининг ўзгариши натижасида криминоген вазиятнинг ёмонлашуви ҳамда одамларни шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардан жабрланганлар сонининг ўсиши кузатила бошлади. Аксарият ҳолларда, жабрланувчилар республикадан ташқарига олиб чиқилиб, чет элда ғайриқонуний равишда ушлаб турилган. Айнан шу сабабдан мамлакатимиз қонун чиқарувчи органи 1994 йилда собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилар қатори-

¹Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. — Т.: Ўзбекистон, 1996. — 14-б.

да шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилган модда жиноят қонунига киритилди.

Юқорида қайд этилганидек, одам савдоси бутун дунё ҳалқарини ташвишга солаётган масалалардан ҳисобланади. Зеро, у ҳуқуқ ва чегара танламайди. Шу боис, ушбу жиноятта қарши самарали кураш олиб борища давлатлараро ҳамкорлик мұхим ажамият касб этади.

Халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши анча олдин бошланған бўлса-да, айни одам савдосига қарши курашиш масаласида қабул қилинган биринчи халқаро ҳужжат бу 1949 йил 2 декабрдағи Бирлашган миллатлар ташкилотининг "Одам савдоси ва фоҳишибозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш" түғрисидаги конвенция ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одам савдосига қарши кураш олиб борища давлатлараро ҳамкорлик борасида мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий база шакллантирилган. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатта қўшилган ва Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан мазкур соҳада қабул қилинган б 6 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланган. Шунингдек, хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосига қарши курашга қаратилган 29 та шартнома ва келишувлар имзолаган.²

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолаш түғриси-

²Одам савдоси – аср муаммоси // "Ҳуқуқ ва бурч", 2012 йил 3-сон, 21-бет.

даги, БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколи ратификация қилинди ва одамлар савдоси тўғрисида аҳолига маълумот бериш, жиноятдан жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни қўллаб-куватлаш орқали унинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.³

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ти қонуни қабул қилинди.⁴ Мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти ПҚ-911-сонли қарори эълон қилинди.⁵ Одам савдосига қарши курашиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларни алоҳида эътироф этиш жоиз бўлади. Хусусан, ҳудуд-

³"Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июлдаги ЎРҚ-160-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й. 7-сон, 351-модда // Биринчи марта "Халқ сўзи" рўзномасида 9 июль 2008 йилда нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган.

⁴"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-154-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й. 4-сон, 190-модда // Биринчи марта "Халқ сўзи" рўзномасида 18 апрель 2008 йилда нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган.

⁵"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 28-сон, 268-модда.

ларда одам савдосига қарши курашиш бўйича жамоатчилик кенгашлари тузилиб, одам савдосига қарши курашиш мавзуларида аҳоли ва ёшлар иштирокида турли тадбирлар ташкил қилинаёттанилигини, Жамғарманинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, фуқаролар йиғинлари томонидан одам савдоси қурбони бўлган фуқароларга турли хил ёрдамлар кўрсатилиб келинаёттанилигини, шунингдек фуқароларимиз ўқув курсларига юборилиб, улар касб-ҳунарга ўргатилаётганлигини, фуқаронинг ишга жойлашишига кўмаклашиш борасида самарали ишлар ташкил этилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Эътиборлиси, одам савдосининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, Тошкент шаҳрида ўқув-семинарлари ташкил этиб келинаётганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шунга қарамай, бу жиноятни дунё миқёсида, хусусан, мамлакатимизда ҳам олдини олиш чораларини кучайтириш, юз берган жиноятлар бўйича жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва ижтимоий педагогик асосларини чукур таҳлил этиш муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда. Darakchi.uz сайтиning 2012 йилнинг 20 июнида берган маълумотига кўра, бугунги кунда одам савдоси курбонлари дунёда сони 27 миллион кишига еттан. 2012 йилнинг 4 ойи давомида биргина Фарғона вилоятида одам савдоси билан боғлиқ 9 та (2011 йил 4 ойи давомида 7 та) ҳолат аниқланган. 28 нафар (2011 йилда 32 нафар) фуқаролар одам савдоси жабрланувчисига айланган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг "Оммавий коммуникация воситала-

ри мониторинги ахборот бюллетени"нинг 2012 йил июнь сонида июнь ойида мониторинг қилинган оммавий ахборот воситалари материалларининг мавзулар нисбатида диний масалалар 157 та деб кўрсатилган бўлса, одам савдоси ва миграцияга оид 249 та мавзу эълон қилинган. Бу ҳам мавзунинг бугунги кундаги долзарб-лигидан далолат беради.⁶

Шу ўринда, Президентимиз И.А.Каримовнинг: "Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз ҳалққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим..."

Бунинг учун эса авваламбор миллий ғоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур", деган сўзларини келтириш мумкин. Бу ишни қандай йўлга қўймоқ даркор? деган саволга Президентимиз Ислом Каримов шундай жавоб бердилар: "Мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиласиган турли ташкилот ва тўгараклар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим".

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда мавжуд ҳар қандай хавф-хатарнинг

⁶Қаранг: "Оммавий коммуникация воситалари мониторинги ахборот бюллетени". – Т.: 2012 йил июнь сони.

олдини олиш чораларини кўришда таълим муассасалари бевосита иштирок этиши лозимлиги белгилаб берилмоқда. Шу маънода, одам савдоси деган балонинг олдини олиш, унга қарши профилактик ишлар олиб бориш ва ана шу профилактик ишларнинг педагогик тизимини яратиш кабилар таълим тизимидағи долзарб муаммолардан биридир. Шу маънода китобхонларга тақдим этилаётган “Одам савдосига қарши педагогик профлактика ишлари ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари” номли ушбу рисола орқали мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, ушбу жиноятнинг олдини олиш чораларини кучайтириш, аҳоли, айниқса, ёшларни одам савдосидан асрашда ижтимоий-педагогик ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшса, ўз мақсадимизга эришган бўламиз.

1. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Бу кўхна дунё инсоният пайдо бўлганидан буён ҳеч қачон хотиржам бўлолмай, турли ваҳималар, тўфонлар, офатлар қуюнида яшаган. Кишилик жамияти ҳар томонлама тараққий эттани сари унинг қора кўланкасидек жиноий хатти-ҳаракатлар ҳам замон ва маконга мослашиб, ривожланиб бормоқда. Бугун инсоният глобаллашув жараёнида турибди, жиноятчилик ҳам чегара билмас даражага етди. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳаммани ўйлантирум оқда. Башариятни ташвишга солиб турган гиёҳвандлик, терроризм ёнига кейинги йилларда одам савдоси ҳам қўшилди.

Минглаб-миллионлаб озод ва эркин яшashi кепрак бўлган одамлар ихтиёрий, зўравонлик билан, баъзилари эса турли алдовлар орқали қул сифатида сотилиб, хўрланмоқда. Уларнинг аянчли ва заҳматли меҳнати, қонли кўз ёшлари ҳисобига инсон қиёфасидаги махлуқлар катта-катта бойликларга эга бўлмоқда.

Инсон азиз ва мукаррамдир. Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати, обрў-иззати, ҳуқуқ ва бурчлари бор. Ҳар бир фуқаро Ватани олдида бурчли бўлгани каби она-Ватан ҳам ўз фуқароларининг тинч-хотиржам, фаровон, озод ва эркин яшashi учун масъулдир. Шунинг учун мамлакатимиз Конституциясида: “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийиққа дучор этилиши мумкин эмас”, дея мустаҳкамлаб қўйилган.⁸

Одам савдоси халқаро уюшган жиноятчиликнинг

⁸Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2012 й.

таркибий қисми, глобал жинои ҳодиса бўлиб, у тобора кенгайиб бораётганлиги сабабли, бугунги кунда кўплаб мамлакатларни жиддий ташвишга солаётган муаммо ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1999 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлиланган тантанали маросимда "Соғлом авлод - ҳалқимиз келажаги" деб номланган нутқларида ўсиб келаётган ёшларни бундай таҳдилярдан ҳимоя қилиш, уларнинг дунёга очиқ кўз билан қараш кўникумаларини эгаллашида маънавий-мафкуравий тарбиянинг роли бекиёс эканини таъкидлаб, "...фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо уни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса бугунги кунда – мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга", деб ўз фикрларини баён этади.⁹

Одам савдоси юргдошларимизни ҳам ўз гирдобига торта бошлаган илк кунларданоқ миллий қонунчилигимизда одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида зинг олий қадрият сифатида давлат ва ижтимоий тизим эмас, балки инсон олинди. Конституциянинг 13-моддаси бунга ёрқин мисолдир. Унга кўра, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

⁹Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - шировард мақсадимиз. Том 8. – Тошкент, "Ўзбекистон" нашириёти, 2000 йил. 95-б

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари фақаттинга Конституция билангина қўриқланиб, кафолатланиб қолмасдан, балки улар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқнинг нормалари ва принциплари билан ҳам қўриқланади.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қиласди. "Бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти ҳамиша ана шу декларацияни назарда тутиб, маърифат ва илм йўли билан ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига ёрдам беришга интилишлари ҳамда миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар йўли билан ҳам, ушбу ҳуқуқлар ва эркинликларнинг Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўтасида ва мазкур давлатларнинг юридик-циясидаги ҳудудларда яшаётган халқлар ўтасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари керак".

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўйди. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи "инсон" эканлиги ёрқин мужассамлаштирилди. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш Консититуциянинг асосий foясига айлантирилди. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган. Масалан, Конституциянинг 13-моддаси фикримизга далил бўлиши мумкин. Ушбу моддада "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси"да эълон қилинган умуминсоний

ҳуқуқлар олий қадрият даражасига кўтарилиган. Маълумки, "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қўйидагиларни белгилайди: "Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларида тенг бўлиб туғилганлар" (1-модда); "Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир" (3-модда); "Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда сақланиши мумкин эмас, қулчилик ва қул савдосининг барча турлари таъқиқланади" (4-модда) ва ҳоказо.¹⁰ Конституциямизнинг 13-моддасида эса инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Бу Ўзбекистоннинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, инсон, унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ҳусусан, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонунчилигимизда ҳалқаро нормаларнинг ўз ифодасини толиб бораётганлиги ижобий натижалар бериб, бу ҳол миллий қонунчилигимизнинг ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларга монаандигини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида инсон ва фуқароларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, улар Инсон

¹⁰Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида ҳалқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида ҳалқаро пакт ва факултатив протокол. -Тошкент: Адолат. 1992. -12-б.

ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 23-моддаси-нинг талабларига тўлиқ мувофиқ келади. Унда қайд этилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.¹¹

Шунингдек, Конституциямизнинг 26-моддасида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Маълумки, одам савдоси билан шуғулланувчи шахс жабрланувчиларни мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида акс этган ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга қаршилик қилиб, унга тажовуз қилади. Бундай жиноятчилар одамларни жисмоний, руҳий ва жинсий зўрлашга мажбур қиласидар, уларни куч билан ушлаб турадилар, жинсий ва шахсий эркинликка бўлган ҳуқуқларини поймол этадилар. Шахс хавфсизлиги ва соғлом турмуш тарзига беписандлик билан қаралади, иш шароитлари билан таъмин этилмайди. Бу каби халқаро хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида БМТ томонидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шуни таъкидаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид меъёрлари умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга мос келади.

Юқорида қайд этилганидек, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 4 – моддасида “Ҳеч ким қулликда ёки эркисиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари таъқиқланади”, деган норма белгиланган.¹²

¹¹Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2012 йил.9-б.

Одам савдосига қарши кураш ҳақидағи дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжат 1899 йилда Лондон шахрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган "Аёлларлардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида"ги резолюция ҳисобланади. Шундан сўнг 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савдоси муаммолари бўйича халқаро конвенциялар қабул қилинган.

Маълумки, кишилик жамиятида энг асосий ва масъулиятли муаммо-одамийлик, инсон қадр-қимматига ғамхўрлик масаласи туради. Шу маънода БМТнинг Миллатлар Лигаси бошлаган қулчиликка қарши фаолиятни, хусусан, қулчиликнинг бир қатор кўринишлари: болаларни сотиш, болалар меҳнатини эксплуатация қилиш, инсонларга нисбатан фоҳишабозликни тарғиб қилиш ва шу мақсадларда учинчи шахсларга фоҳишабозлик мақсадларида инсонни сотиш муаммоларига чек қўйиш фаолиятини олиб бормоқда.

Миллатлар Лигаси томонидан 1926 йилда маъкулланган "Қулчилик тўғрисидаги Конвенция" мазкур соҳадаги муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қулчиликни бекор қилиш тўғрисидаги, қул савдоси, қулчиликка яқин барча удум ва институтлар масаласидаги БМТнинг қўшимча Конвенциялари (1956 й.), 1949 йилги инсон билан савдо қилишга бағишлиланган бир қатор Конвенциялар шулар жумласидандир.

Умумий маънода шуни таъкидлаш лозимки, озодлик ҳар қандай шахснинг турма ҳуқуқи, инсон шах-

¹²Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент: Адолат. 1992. -12-6.

сиятиниң бүлинмас қиймати ҳисобланади. Айнан шу маңнода республикамиз қулчиликнинг барча кўринишларини қатъий қоралади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қулчиликка йўл қўйилмайди ва аксинча, қулчилик савдосининг олдини олиш, унга йўл қўймаслик, қулчиликнинг ҳар қандай кўринишдаги шаклини тез фурсатда тўла бекор қилиш мурожаати билан, ўз ҳудудида, юридикциясида, ҳимоясида, протекторатида ёки ҳомийлигида бўлган давлатларга мурожаат қиласди.

Шу ўринда, одам савдосига қарши кураш борасида қабул қилинган яна қуйидаги халқаро ҳужжатларни ҳам санаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади:

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йил 21 марта қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 2003 йил 12 декабря қўшилган).

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳақида огоҳдантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома (2001 йил 28 июня Ўзбекистон ратификация қилган).

2008 йилда эса одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколи ратификация қилинди ва одамлар савдоси тўғрисида ахолига маълумот бериш, жиноятдан жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фалияти самарадорлигини оширишга қаратилган да-

стурларни қўллаб-қувватлаш орқали унинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мажбуриятини ўз зим- масига олди.

Мамлакатимиз қонун чиқарувчи органи 1994 йилда собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилар қаторида шах- воний ёки бошқа масадларда одамлардан фойдала- ниш учун уларни ёллаш жиноятига жавобгарлик на- зарда тутилган модда Жиноят кодексига киритилди. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш соҳа- сидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қону- ни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг қабул қили- ниши трансмиллий жиноятчиликка қарши тизимли кураш борасида давлатимиз сиёсатининг мантиқий давоми бўлди. 2000 йил 15 ноябрда БМТ Бош Ас- самблеяси томонидан Трансмиллий уюшган жино- ятчиликка қарши БМТ Конвенцияни тўлдирувчи одам, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш тўғри- сидаги Протоколи қабул қилинди. Бу ҳужжатлар одам савдосига қарши кураш борасида давлатлар- нинг халқаро даражадаги мажбуриятларини белги- лади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қонунчилик тизими томонидан нафақат жиноий тажовузлардан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг консти- туцион-ҳуқуқий кафолатлари, балки уларни таъ- минлаш борасида амалдаги ташкилий тузилма яра- тилди. Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш инсон, жамият, давлат ҳимояси, одам савдоси фаолиятини олдини олиш, аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш мақсадларида амалга оширилади. Кўрсатилган мақ- садларга одам савдоси сабаблари, унорни амалга

ошириш шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш; аҳоли ва алоҳида фуқароларнинг одам савдоси қурбонига айланиш хавфини камайтириш; одам савдосидан жабрланган шахсларни ҳуқуқий ва ижтимоий реабилитация қилиш каби масалаларни ҳал қилиш йўли билан эришилади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси-инг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида қуйидаги жинояtlар учун жавобгарлик белгиланган эди: одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, хусусан, вояга етмаган шахста нисбатан, ўша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса (Жиноят кодексининг 135-моддаси). Лекин трансмиллий жиноий гурухларнинг таъсир доираси кенгайиши ва оқибатда халқаро ҳамжамият томонидан трансмиллий уюшган жинояччиликка қарши кураш глобал тизимининг яратилиши Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиншига туртки бўлди. Мазкур Қонун ўзаро ҳамкорликда одам савдосига қарши кураш самарасини ошириш, Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши кураш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинди.

Қонун одам савдосига қарши курашиш, одам савдоси, одам савдоси билан шуғулланувчи шахс каби тушунчаларни ўз ичига олади. Қонуннинг 4-моддаси одам савдосига қарши курашишнинг асосий принципларини белгилайди. Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади:

- қонунийлик;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жа-вобгарлигининг муқаррарлиги;
- одам савдосидан жабрланганларнинг камси-тилишига йўл қўймаслик;
- ижтимоий ҳамкорлик.

Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари мустаҳкамланган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистан Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистан Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги. Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Қонуннинг 6-моддасига биноан, одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тузилиши назарда тутилди.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат этиб белгиланди:

- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва ша-

роитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

- одам савдосининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳдил қилиш;

- ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

- одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича худудий идоралараро комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Маълумки, трансмиллий жиноятчиликка, хусусан, одам савдосига қарши курашиш бу бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашишни ҳам назарда тутади. Қонуннинг 8-моддасига кўра, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши назарда тутилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш одам савдосига қарши кураш тизимининг ажralmas қисми ҳисобланади. Одам савдосидан

жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилиши мумкинлиги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Мазкур Қонунга кўра, ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга ошириши белгиланди. Шунингдек, Қонунининг 9-моддасига кўра, ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат этиб белгиланди:

- одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;
- одам савдосидан жабрланганларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш; одам савдосидан жабрланганларга шошилинч тиббий, психологик ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза килиш; одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш; одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ти Қонуни 10-моддасига кўра, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация

қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтингчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида белгиланишича, одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш жараёнида одам савдосидан жабрланган болалар манфаатларини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Қонуннинг 11-моддасига кўра, ихтинослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтинослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак. Ихтинослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади. Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан бе-

хабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онаси-нинг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

Одам савдосидан жабрланганларнинг хавф-сизлигини таъминлаш чоралари ва уларга берилади-ган бошқа кафолатлар "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чораларини кўради. Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судъянинг асослантирилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар, депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасида кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. "Одам савдосига

қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига кўра, суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплади. Таъкидлаш лозимки, давлатларнинг ҳалқаро ҳамкорлиги тизимини шакллантириш май одам савдосига қарши кураш самарали тизимини яратишни таъминлаш мумкин эмас. Қонуннинг 14-моддасида одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик нормаси мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни одам савдосига қарши курашиш борасида кенг доирадаги муносабатларни ўз ичига олиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жиноий тажовузлардан самарали ҳимоя қилиш воситаси бўлиб ҳисобланади.

2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги ЎРҚ-154 сонли Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мамлакатимиз жиноят қонунида янги нормалардан бўлган 135-модда киритилганлиги ҳам мухим масалалардан ҳисобланади. Чунки Жиноят кодекси 135-моддасининг аввалги таҳририда факат шаҳвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш мақсадида алдаш йўли билан одамни ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилиб, ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларда зикр қилинган одамлар савдоси билан борлиқ бўлган жиноий қилмишлар комплекси қамраб олинмаган бўлиб, бу ҳол амалда

фуқаролар эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини тўлиқ муҳофаза қилинишини таъминлай олмас эди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-179-соиلى Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 135-моддаси мазмунан янги норма билан тўлдирилди. Унга кўра, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёлаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш учун уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.¹³

Дарҳақиқиат, одам савдоси шахснинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини кафолатловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилади. Жиноятнинг оғирлаштирувчи ёки ўта оғирлаштирувчи таркибларида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи қўшимча объект сифатида намоён бўлади. Юқорида кўриниб турганидек, бу жиноят одамлар савдоси, яъни одамни эксплуатация қилиш мақсадида уни олиш-сотиш ёки ёлаш, ташиш, топшириш, яшириш ёхуд қабул қилишда намоён бўлади. Шахсни ташиш деганда, уни бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга, жумладан, битта аҳоли пунктида ҳар қандай транспорт воситасидан фойдаланиб кўчириш тушунилади. Ушбу ҳаракатнинг олди-сотидан олдин ёки кейин содир этилганлигининг аҳамияти йўқ ва жабрланувчи мўлжалланган жойга кўчира бошлаган пайтдан эътиборан тамом бўлган ҳисобланади. Шахсни топшириш одамлар савдосида иштирок этаётган воситачининг ҳаракатларида, шунингдек уни эксплуатация қилиш мақсадида сотиб олган шахс томонидан ўз мақсадини амалга ошириш учун уни бошқа шахсга вақтинчалик жойлаштириш ёки яаш учун топширишида намоён бўлиши

¹³Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Тошкент, "Адолат" нашриёти. 2011 йил.

мумкин. Бунда топшириш ҳам ҳақ звазига (масалан муайян ҳақ звазига), ҳам текинга (масалан сөвға қилиш), бутунлай ёки муайян муддатта, муайян шартларни бажариш билан боғлиқ ҳолда ёки ҳеч қандай шартсиз бўлиши мумкин ва жабланувчи бир киши тасарруфидан бошқасининг тасарруфиға ўтган пайтдан бошлаб қилмиш тамом бўлган ҳисобланади. Яшириш деганда, жабланувчини олди-сотди ҳаракатларига қадар ва ундан кейин яшириш (масалан, одамни уйнинг ертўласига яшириб қўйиш) назарда тутилади ва шахсни яширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган вақтдан бошлаб ҳаракат тамом бўлган ҳисобланади.

Юқоридаги ҳаракатлардан биттаси содир этилса, уни содир этган шахс жавбгарликка тортилади. Одам савдоси, яъни одамни эксплуатация қилиш бошланган ёки бошланмаганидан қатъи назар уни олиш-сотиш, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳаракатларидан бирортаси содир этилган вақтдан тамом бўлган ҳисобланади.¹⁴

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"-ги Қонунда одам савдосига қарши курашиш, одам савдоси ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахс тушунчалари қўлланган бўлиб, улар қонунчиликка атама сифатида ҳам киритилган. Бунга кўра, одам савдоси дейилганда "куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шакларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни сунистъемол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш звазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш,

¹⁴Рустамбоев М.Х. Янги жиноят қонуни бўйича одам савдоси учун жавбгарлик. Рисола. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – . 5-8 -бетлар.

топшириш, яшириш ёки қабул қилиш" англашилади.

Бу ўринда "одамлардан фойдаланиш" деганда, "бошқа шахсларнинг фоҳишилигидан фойдаланиш ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш" назарда тутилган бўлиб, "мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек, гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўқиинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўқиинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс" одам савдоси билан шуғулланувчи шахс сифатида эътироф этилади.

XX аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади. Афсуски, бугунги кунда трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлган одам савдоси инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмушининг поймол этилишига сабаб бўлаётир. Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда ер юзида 2 млн. 700 мингдан ортиқ киши одам савдоси қурбонига айланган. Тан олиш керак, дунё миқёсида тобора долзарблиқ касб этиб бораётган одам савдоси муаммосидан мамлакатимиз ҳам четда эмас. Одам савдоси қурбонлари сафида юртдошли-

римизнинг борлиги ҳам фоятда ташвишланарлидир. Бу эса мамлакатимизда жиноятчиликнинг ушбу турига қарши қатъий чоралар кўришни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи "Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида"ги Протоколни ратификация қилди, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди ва халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.

"Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-911-сонли Қарори билан мазкур йўналишдаги вазифалар ижросини мувофиқлаштириш мақсадида Республика Идоралараро комиссия ташкил этилди. Комиссиянинг "Одам савдосини бартарраф қилиш ва олдини олиш, одам савдоси жиноятидан жабрланган шахсларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида йўқолган шахсларни аниқлаш, уларни ортга қайтариш ва реабилитация қилиш" бўйича 2009-2010 йиллар давомида амалга ошириладиган ҳамкорлиқдаги чора-тадбирлар Режаси одам садвосига қарши курашишни тизимли ва самарали ташкил этишда муҳим рол ўйнади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур муаммонинг олдини олиш, унга қарши курашиш, одам савдоси жабрланувчиларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш

борасида мұкаммал қонунчилік ва бир қатор хуқуқий-меъерий ҳужжатлар базаси тағомиллаштирилди. Уларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш эса кун тартибидаги мұхим вазифалар сирасига киради.

2. ОДАМ САВДОСИ – ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИК МУАММО

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли улкан стратегик аҳамиятга молик асарида бундан 16 йил муқаддам ҳақди равишда "... Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, ҳалқаро жиноий ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли", деб таъкидланган эди.¹⁵ XXI асрда глобал тус олган одам савдоси трансмиллий жиноятчиликка айлангани Ўзбекистон Президентининг фикрини яққол исботлаб турибди. Мазкур муаммони ўрганиш бўйича 155 мамлакатда ўтказилган кузатув-лар ҳам бундан далолат беради. БМТ БА 63-сессияси раиси Мигель д Эското Брокман эътироф этишича, одам савдоси ҳалқаро жиноий гурухларга йилига 32 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад келтирмоқда.

Одамлар савдоси туфайли олинаётган даромад гиёҳвандлик воситалари ва қурол-яроғ савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Мазкур турдаги жиноят натижасида ҳар йили 7 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад олинади.¹⁶ Дунё миқёсида ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўли билан чет эл-

¹⁵ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. – 429- б.

¹⁶ Рустамбоев М.Х. Янги жиноят қонуни бўйича одам савдоси учун жавобгарлик. Рисола. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. З-бет.

¹⁷ Жўраев Э. Инсон ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида // "Ҳуқуқ ва бурч", № 8-9, 2008, 19-б.

ларга олиб кетилиб сотилади.¹⁷ Айниқса, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ёки ёш болалар ташкил этаётгани ташвишили ҳолдир.¹⁸

Айрим эксперталарнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунё бўйича 200 миллиондан кўпроқ одам замонавий қулчилик қурбонига айланган. Ушбу чегара билмас жиноятчилик ҳозирги кунда 127 мамлакатда кенг тарқалган бўлиб, у мамлакатларда одамлар сотиб олинади ва қуллар меҳнатидан фойдаланилади. 137 давлатдан мажбурий ишлаш учун одамлар қулга айлантирилиб, ўзга юртларга жўнатилиши давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги маълумотига кўра, бундай жиноят жабрланувчиларининг, айниқса фоҳишалик мақсадларда эксплуатация қилинаётган аёлларнинг аксарият қисми, яъни 78 фоизини 16-25 ёщдаги аёллар ташкил этар экан.¹⁹

Шу ўринда айтиш лозимки, одам савдоси умуминсоният тарихида ҳамма даврларда энг глобал муаммолардан бири ҳисобланган. Ўз даврида АҚШ Президенти Абраам Линкольн "Агарда менинг номим тарихда бирон ишим билан қоладиган бўлса, энг аввало, қулликни бекор қилиш тўғрисидаги фармон чиқарганлигим билан қолади", деган эди.

Халқаро ҳамжамият томонидан трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича глобал тизимнинг яратилганлиги Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг

¹⁸ Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш // "Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси", № 2, 2008, 2-б.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш холатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти тўғрисида қўлланма // -Т.: -2004. 21-22-б.

қабул қилинишига эҳтиёж түғдирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан Республика Идоралараро комиссияси Низоми ҳамда 2008 – 2010 йиллар учун мўлжалланган Миллий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Қонунийлик, одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик ва ижтимоий ҳамкорлик сингари принципларга асосланадиган одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйилган. "Одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият"ни мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтган даврда кенг кўламли тарғибот тадбирлари олиб борилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, мазкур иллатга қарши курашиш, унинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш, оқибатларини камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жамоатчилик ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган йигилиш ва учрашувларда

одам савдосига йўл очувчи сабаблар ва унинг олдини олиш омилларини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ихтисослаштирилган муассасалар ташкил этилганлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади.

Одам савдоси жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори. Чунки у инсон соғлиғи, ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига тажовуз этади, ёшлар маънавияти, ахлоқини бузади. Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори Р.Х. Қодиров тўғри таъкидлаганидек, одам савдоси – инсон, унинг шаъни, қадрқиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.²⁰ Шу сабабли, 2008 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида одамлар савдосини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 135-моддаси янги таҳрирда, яъни "одам савдоси" кўринишида ўзгартилди, мазкур Кодекснинг "Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси" – деб номланган сакқизинчи бўлимига "одамлардан фойдаланиш" атамаси билан тўлдирилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси янги таҳрири уч қисмдан иборат бўлиб, уларда жиноий хатти-ҳаракатлар белгилари аниқ кўрсатилган. Унинг иккинчи қисмида жавобгарликни оғирлаштирувчи 10 та ҳолат назарда тутилган, учинчи қисмида эса жавобгарликни ўта оғирлашти-

²⁰ Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миёсдаги муаммо. // "Ҳуқуқ ва бурҷ". 10-сони, 2008, 3-б.

рувчи 4 та ҳолат кўрсатилган. Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми бўйича қамоқ жазоси 3 йилдан 5 йилгача (аввалгисида 6 ойгача), икинчи қисмига кўра, 5 йилдан 8 йилгача (аввалгисида 5 йилгача), учинчи қисми санкциясида 8 йилдан 12 йилгача (аввалгисида 5 йилдан 8 йилгача эди) озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Одам савдоси жиноятининг сабаблари турлича бўлиб, улар орасидан қўйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- трансмиллий жиноий гуруҳларнинг ихтисослашуви;
- миграция жараёнларининг кучайиши;
- демографик вазият;
- моддий муаммоларни тезда ҳал қилиш илинжи;
- юқори малакали касб-корга эга бўлмаслик;
- енгил, сердаромад иш топиш орзуси;
- ишонувчанлик ва соддалик;
- ҳуқуқий саводсизлик;
- ўз ҳаёти, тақдирига нисбатан лоқайдлик, бефарқлик;
- қаноатсизлик;
- файриинсоний ва файриқонуний ҳаракатлар;
- жабрланганлар элементар дунёқарашининг торлиги;
- мафкуравий ва ҳуқуқий иммунитетнинг заифлиги;
- ўз қадр-қимматини англаб етмаслик;
- профилактик чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги;
- ахборий босимга бардош бера олмаслик;
- аёлларнинг криминал гуруҳларга қўшилиши;
- шахснинг маънавий носоғлом мұхитда шакланганлиги;
- қулларга талаб ва таклифнинг мавжудлиги;
- жиноятта жазо муқаррарларгини англаб етмаслик;
- савдонинг замонга мослашуви;
- жабрланувчиларнинг ҳуқуқни мұхофаза қилувчи органларга хабар бермаслиги ва бошқалар.

Кўриниб турганидек, ушбу сабабларнинг аксарияти ижтимоий педагогик характерга эга. Яъни

мактаб, коллекларда ўқувчилар ана шу сабабларни бартараф этиш учун етарли профилактик билим ва кўникмалар билан қуроллантирилса, улар одам савдоси қурбони бўлишдан сақлаб қолинади.

Таъкидлаш жоизки, одам савдосига қарши курашиб деганда нафақат ушбу жиноятчиликка қарши курашиш, балки энг аввало, унга замин ярататган сабаб ва омилларни бартараф этиш тушунилади. Одам савдоси жинояти ҳамда унинг оқибатлари ҳақида гапирав эканмиз, бунда аввало асосий мақсад аҳолига, айниқса ёшлиарга мазкур қиммишнинг асл моҳиятини янада чуқурроқ тушунтириш, огоҳдикка чорлаш ва ёшларимизни ушбу жиноятнинг қурбони бўлиб қолишидан асрар чораларини кўришдан иборат. Шу маънода таълим муассасалари, хусусан, мактаб, лицей ва коллежлар ўқутувчилари, мураббийлар мазкур ижтимоий муаммонинг оддини олиш ва унга қарши курашища жамоатчилик иштирокини янада оширишга кўмаклашишлари зарур бўлди.

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар каби одам савдоси жиноятининг оддини олишда шахсга психолого-педагогик таъсир этилмас экан, тарбиявий ишларда самарадорлик бўлмайди. Шахсларга педагогик таъсир этиш усулларидан асосий мақсад — тарбиялананаётган шахсларга якка тартибда педагогик таъсир этиш орқали уларни жамият учун фойдали ишга жалб қилишдир. Психологик-педагогик таъсир этиш — мавжуд тарбиявий усуллар йифиндиси эмас, балки тарбиячининг тарбияланувчи онгига ижобий таъсири, муомаласи ва мурожаатидир. Ҳар бир шахсга психологик-педагогик таъсир этишнинг ўз мақсади бўлиб, унга эришиш учун барча мавжуд чора-тадбирлар кўрилади. Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг оддини олишда ва шахсларга психологик-педагогик таъсир этишда мураббий-ўқитувчиларининг касбий

жиҳатдан бундай тарбиявий фаолиятта тайёр эмасликлари ҳам уларнинг тарбиявий таъсир этиш усулларидан тўла фойдала олмасликларига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам тарбиячи шахс қуидаги хислатларга эга бўлиши керак: билимли бўлиш, нотикдик санъатини мукаммал эталлаган бўлиши (аудиторияни ўзига жалб қила олиши), ҳаётий амалий тажрибага эга бўлиши, аудиториянинг кайфиятини тез илгай олиши.

Шу ўринда, одам савдосининг олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнда қабул қилинган "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 175 –сонли қарори катта имкониятларни очиб берганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.²¹ Мазкур Қарор жисмонан соғлом, маънавий етуқ ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оила институти, ота-оналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида" 2012

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнда қабул қилинган "Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 175 –сонли қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами", 2012 йил, 25-сон, 273-модда.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида" 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сонли қарори / "Халқ сўзи", 2012 йил 28 февраль. "Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами", 2012 йил, 10-сон, 99-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 2-сон, 44-модда.

йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сонли қарорини²² бажариш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу таълим мұассасаси, оила ва маҳалланинг педагогик профилактика имкониятларидан самарали фойдаланиш, одам савдосидан огоҳлик тизимини яратиш демакдир. Зеро, одам савдосига қарши кураш самарадорлиги фуқаролик жамиятининг барча институтларининг ижтимоий педагогик ҳамкорлигига боғлиқдир.

3. ОДАМ САВДОСИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА ЁТ ИЛЛАТ

Тарихдан маълумки, барча давр ва замонларда ҳам ахлоқсизлик қаттиқ қораланган. Ота-боболаримиз номуссиз, ҳаёсиз одамларни даврага қўшишмаган. Аёллар эркак кишининг юзига тик қарамаган, кўча-кўйда уларнинг олдини кесиб ўтишмаган. Ўз ўрнида аёл шаъни миллат шаънидек асралган, ҳимояланган. Уят ўлимдан қаттиқ, деган нақл бе-жизга айтилмаган. Минг афсуски, бугунги кунга келиб, бундай бебаҳо ҳикматларнинг қадри айрим қабиҳ ниятли шахслар томонидан тоғталмоқда.

Кейинги йилларда одам савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар пайдо бўлди. Бунинг оқибатидан жабр чекканлар, оила деган улуғ масканнинг гуноҳига ботаётганлар сони ортиб бормоқда. Негаки, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, аёллар ва болалар савдоси муаммоси бугун дунё миқёсида дол зарб масалалардан бирига айланди. Одамларни турли мақсадларда эксплуатация қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортгани, бундай қилмишларнинг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётгани, айниқса, бундан кўпинча аёллар ва болалар жабрланаётгани, трансмиллий жиноятчиликнинг асосий даромад манбаига айлангани унга қарши кураш чораларини кучайтиришни талаб этмоқда. Маълумотларга кўра, жаҳон бозорида одам савдосидан кўрилаётган йиллик даромад 7 миллиард доллар миқдорида баҳоланмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Қочоқлар бўйича ҳалқаро ташкилотлар экспертларининг айтишига қараганда, сўнгти йилларда бу хилдаги жиноятчилик шиддат билан ўсиб бормоқда. Тахминларга кўра, ушбу қабиҳликдан жабрланганлар сони

йилига ўртача 2,7 миллион кишига етмоқда. Одам савдоси бозори жуда катта даромад келтирадиган соҳа бўлиб, у наркотик ва қурол савдоларидан кейин учинчи ўринда туради. Шуни айтиш лозимки, бутунги кунда "одам даллоллари" ўта фирибгар бўлиб, улар одамлар ишончини қозона оладиган, аёллар руҳиятини яхши ўзлаштирган, ҳаётидан норози қизларни осонлик билан илғайдиган тоифадир. Уларнинг макри ва найрангига илингандар эса, афсуски, оиласи келажагини ўйламай кетаётган эркак ва хотин-қизлар, қолаверса, вояга етмаган ўспириналардир. Улар гўёки, хорижга борса, бир кунда бойиб қоладигандек, пул ерда сочилиб ётгандек тасаввур қилишиб, қандай иш эканлигини ҳам сўраб-суриштиришмайди. Одам савдосини бир ёки икки давлатнинг муаммоси сифатида змас, балки бутун дунё мамлакатларининг муаммоси сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Мустабид тузум барҳам топиб, мамлакатимиз мустақил бўлгач, юртда чуқур иқтисодий ислоҳотлар, халқ фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида катта ўзгаришлар даври бошланди. Қисқа муддат ичida ҳалқимизнинг, айниқса ёшлиаримизнинг чуқур билим олишлари, турли касб-хунарларни ўрганишлари, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар очилди. Касб-хунар ўргатадиган юзлаб коллежлар, бир неча олий ўқув юртлари ишлаб турибди. Қанчалаб янги саноат корхоналари ишга тушириляпти, кўплаб иш ўринлари яратишга ҳаракат қилингапти. Кишиларимиз хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этиб, ҳалол меҳнат орқали бойишмоқда.

Аммо, минг афсуски, айрим юртдошларимиз жон койитмай, осонгина мўмай даромад топиш йўлларини излай бошлашди. Улар нима қилиб бўлса-да,

кўпроқ пул топиш, мўмай даромад орттириш мақса-дида ноқонуний, ҳалокатли, келажаги йўқ ишларга кўл уришяпти. Иссик жойларини, оила аъзоларини ташлаб олис юртларга иш излаб кетишияпти. Қонуний йўл билан эмас, одам савдоси орқали бойишини кўзлаётган айrim ноинсоф кимсалар алдовига учib, борадиган жойларидағи иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шартномалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб бошқа юртларга боришияпти.

Доно ҳалқимизда "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу", "Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши" каби ажойиб мақоллар бор. Фақат фойдани кўзлаган нопок кимсалар алдовига учib, ўзга юртларда хор-зор бўлаётган, туну кун ишлаб ҳақини ололмаётган, соғлиғидан ва диёнатидан ажраётган ҳамюртларимиз фожиаси ҳақида ҳар куни, кун ора ўқиб-эшитиб турибмиз. Жамиятнинг келажаги саналган ёшлар нотаниш, ҳаёт тарзи тамоман ўзгача юртларда имонларига, эътиқод ҳамда миллий қадриятларга завол етаётганига ҳам парво қилишмаёттири. Агар уларни очлик, муҳтоҷлик иссиқ ўринларидан ҳайдаб чиқарганида ҳолатларини тушунса бўларди. Асосан орзу-ҳавас, ҳавойи нафс, "кatta тўйлар қилиш, бойлик гаштини суриш" васвасасига учib, ўзга юртларда хор бўлиб юришибди.

Мусулмон киши бир ишга киришишдан олдин уни қандай йўсинда амалга ошириш, сафарга тайёргарлик кўриш, тегишли ташкилотлар томонидан расмий юбориладиган жой бўлсагина, борар жойидаги шароитни ўрганиш, йўл озуғини ғамлаш, тадбир-чоралар белгилаш каби ҳолатларга эътибор қилиши керак.

Аммо кўзлари кўр, қалбларини ғафлат босган айrim кимсалар нодонларча қўйган қадамлари, ўйламай қилган ҳатти-ҳаракатлари оқибатида ўз жон-

ларини хатарга қўйишяпти, пулларидан ажрашяпти, қимматли умр йилларини бой беришяпти. Муттаҳамлар алдовига учиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон, хор-зор бўлиб, юрт ва миллат шаънига доғ туширишяпти. Катта даромад илинжида кетиб, кўпинча ҳеч нарсага эга бўломай қайтишяпти. Энг ёмони, зл-юрт, оиласари, яқинлари, дўстлари олдида юзлари шувут бўлиб қоянти. Айниқса, эндингина ҳаётга қадам қўйиб келаётган, турмуш тажрибасига эга бўлмаган ёшлар енгил йўллар билан катта пул топаман, деб одам савдоси билан шуғулланувчи манфур кимсалар тузогига тушиб, молу жонларини хатарга қўйишмоқда.

Инсонларни турли йўллар билан алдаш, уларни ноқонуний ва ношарҳий ишларга мажбуrlаш, улар ҳақига хиёнат қилиб, пулинни бермаслик, фоҳишлик қилишга жалб этиш, одамларни бошқаларга сотиб юбориш, уларнинг ички аъзолари ва тўқималарини зўрлик билан ажратиб олиш каби ишлар қаттиқ гуноҳ саналади. Зеро, Расулуллоҳ: "Ким бизни алдаса, у биздан эмас. Макру ҳийла ва алдов соҳиби дўзахийдир", — деганлар. Бу иллатлар инсон ҳуррияти ва ҳукуқ-эркинликларига хавф согани ёки буларни чегаралагани учун инсонийликка ҳам, ахлок-одобимизга ҳам, амалдаги қонунчилик ва шариат аҳкомларига ҳам тамоман зидdir.

Абу Масҳуд ал-Ансорийдан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ фоҳишлик ва коҳинлик қилиб кун кўришдан қайтаргандар. Абу Ҳурайрандан ривоят қилинади: "Набий чўриларнинг танасини пуллаб тирикчилик қилишни ман эттандар".

Ислом дини одам савдоси масаласига ана шундай жиiddий муносабатда бўлади. Бу борада давлатимиз ва ҳукуматимиз ҳам ижтимоий ҳаётда оз бўлса-да, учраб турадиган мазкур иллатга қарши кураш, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсади-

да катта тадбирларни амалга оширипти. Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашибиш тўғрисида" Қонуни қабул қилинган. Турли вазирликлар, масъул идоралар, ташқи ишлар бўйича ваколатхона-консуликлар, жамоат ташкилотлари ана шу Қонунга биноан иш олиб боришади. Шунингдек, одам савдосига қарши кураш бўйича республика Идоралараро ҳайъати ҳам тузилган, мазкур Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик мавжуддир.

Бу Қонун Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий, ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқларини қаттиқ ҳимоя қилиш, уларнинг жамият равнақи йўлидаги ҳалол меҳнат қилишларини таъминлаш, одам савдоси каби ижтимоий иллатга бутунлай барҳам бериш йўлида қўйилган муҳим ижобий қадамдир. Бу йўлда ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб курашсак, алдовларга учиб, ўзга юртларда хор-зор бўлаётганларни олдиндан бу хатарли йўлдан қайтарсак, бу иллат тезда барҳам бериш йўлида хизмат қилмоқда.

4. ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ҮРНИ ВА РОЛИ

Сўнгти йилларда авж олиб бораётган одам савдосига қарши курашиш кўпроқ умумижтимоий кураш олиб бориш даражасига кутарилмоқда. Шу маънода одам савдосига қарши кураш олиб боришнинг са-марадорлиги кўп жиҳатдан бундай курашга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этишга боғлиқ ҳисобланади. Шу ўринда фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз, деб топдик.

Маълумки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидағи "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланishi ва ривожланиши даври бўлганлигини, бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаётганини ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўп эканлигини, фуқаролар йифинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этишини, булар қаторида "Камолот" ёшлар

ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Софлом авлод учун", "Нуроний" жамғармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини санаб ўтиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.²³

Таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рӯёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари сифатида жамоат бирлашмаларини, жумладан, турли жамғармаларнинг қарор топишида хайриҳоҳлик билдираётганлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари воситасида ўзининг яқъол исботини топмоқда. Масалан, Президентнинг "Наврӯз" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони (1992 йил 23 май), "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" ги фармони (1992 йил 12 сентябр), "Умид" жамғармасини тузиш тўғрисида"ги фармони (1997 йил 7 январ), "Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони (1998 йил 16 ноябр), "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси

²³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги "Мамлакатимида демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаси / "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 13 ноябрь, 220 (5135)-сони.

тўғрисида"ги фармони (1996 йил 14 декабр), "Хукуматга қарашили бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони (1993 йил 23 апрел), "Ижодкор ёшларнинг "Истеъдод" республика жамғармасини тузиш ҳақида"ги фармони (1993 йил 4 май), "Иби Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони (1999 йил 6 январ), Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори (1992 йил 25 март), "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори (1994 йил 17 ноябр), "Халқаро Амир Темур жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори (1996 йил 14 март), "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори (1996 йил 27 сентябр), "Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси тўғрисида"ги қарори (1996 йил 8 ноябр). "Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори (1997 йил 14 апрел), "Ижтимоий фикр" жамоатчилик Марказини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори (1997 йил 9 июл), "Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори (1998 йил 16 июн) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Давлат билан бўладиган муносабатларда фуқаронинг манфаатини ифодалаш айнан фуқаролик жамияти институтлари орқали тўла-тўқис амалга оширилади. Шу маънода давлат, унинг идоралари (манасбадор шахслар) - бир томондан, фуқаролар ва уларнинг ташкилоти бир томондан, ҳуқуқий муносабатларнинг teng майдонига чиқадилар.

Фуқаролик жамияти институтларидан бўлмиш нодавлат ташкилотлари одам савдосининг олдини олишда асосий ролни бажаради. Ушбу ташкилотлар инсон ҳуқуқларига риоя этилиши зарурлигини жиддий англаб етадилар, бундай ҳуқуқларнинг бузилиш ҳолмарига зудлик билан муносабат билдирадилар. Одам савдосига қарши курашиш муаммолари бўйича ҳозирги замон халқаро ҳужжатларда улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган, ижтимоий ва руҳий ёрдам кўрсатадиган, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини ишлаб чиқишига, бу йўналишда қарор ва қонунлар қабул қилишда давлатга таъсир кўрсатадиган ташкилотлар сифатида диққат марказида туради. Масалан, Ўзбекистонда "Istiqloli avlod" Ёшлар ахборот-маърифат маркази мавжуд бўлиб, мазкур марказ бевосита одамларни ёллаш ва одам савдосига қарши курашиш, унинг олдини олиш, содир этиш сабабларини ўрганиш ва жиноят жабрланувчиларини давлатларига қайтариш, шунингдек уларни реабилитация қилиш бўйича фаолият кўрсатиб келмоқда.

Одам савдосига қарши курашувчи фуқаролик жамияти институтлари ўз фаолиятларини, энг аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилига риоя қилиш, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг манфаатларини устуворлиги ва улар билан иш олиб боришининг сир тутилиши ҳамда уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун маънавий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда олиб боришлари лозим бўлади.

Аксарият ривожланган мамлакатларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳукуматлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда иш олиб борадилар. Чунки, айнан фуқаролик жамияти институтлари биринчилардан бўлиб одам савдосининг мавжудлиги ҳақида маълумотта эга бўладилар, ушбу жиноятдан

жабрланғанлар томонидан берилған күплаб маълумотларни тұплаш имкониятiga эга бўладилар.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат ташкilotлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳудудий, миллий (хукумат миқёсида) ва халқаро даражада фаолият олиб бориш ҳамда одам савдосига оид муаммаларнинг барча жиҳатларини қамраб олган ҳолда шунга мос тарзда дастурлар ва тадбирларни ишлаб чиқилишида иштирок этиш имконига эга бўладилар.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни олиб борища асосий фаолият маҳсус халқаро ташкилотлар БМТнинг Тирик қолиш учун курашиш халқаро шаҳобчаси, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Халқаро Меҳнат ташкилоти, Аёлларни ноқонуний ташиш бўйича Коалиция, Аёлларни ноқонуний ташишга қарши Бутунжаҳон альянси ва Миграция бўйича Халқаро Ташкилотига тегишлидир. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларга фикрларни ифодалаш эркинлиги, ҳаракатларнинг вазиятларга мослашувчанлиги ва иш олиб борища ҳаракатлар йўналишларини танлаш эркинлиги хосдир. Бу хукуматлар ва хукуматлараро ташкилотлар еча олмайдиган вазифаларни ҳал этишга имкон беради. Шу мақсадларда нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд халқаро ҳужжатлардан ва уларни қўллаш механизмларидан фойдаланадилар. Ўз мақсадларидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари қуйидаги мухим стратегик вазифани — одамлар савдосига қарши курашиш тизимини яратишга кенг жамоатчилик аҳдини, шу жумладан, давлат ҳокимияти органлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг мутахассисларини, турли ижтимоий ҳаракатларни, ишбилармон

ва молиявий доиралар вакилларини, оммавий ахборот воситалари ходимларини жалб этиш вазифаси-ни бажарадилар.

Юқорида қайд этилганидек, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги асосида одам савдосига қарши курашишга қаратилган дастурлар ва бошқа муҳим хужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш имконига эга бўлиб, бу борадаги ўзаро ҳамкорликнинг доираси мунтазам равишда кентайиб бориши лозим. Одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари қуидаги вазифаларни амалга оширишлари талаб этилади:

- жамият аъзоларининг одам савдосининг хавфхатари тўғрисида хабардорлик даражасини оширишга кўмаклашиш;
- фуқароларда одам савдосининг дунё бўйича таҳдида нисбатан муносабатини шакллантириш;
- одамлар савдосига қарши курашишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни илгари суриш;
- одам савдосига қарши курашиш бўйича дастурлар ва бошқа турли лойиҳаларда иштирок этувчи шахсларни ахборот, илмий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ёрдамлашиш.

Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, но-давлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари одам савдосининг олдини олиш бўйича ўз хатти-ҳаракатларини бевосита маҳалаларда турли учрашувларни ташкил этиш ва ушбу учрашувларда бу каби жиноятларнинг оқибатлари ҳақида, айниқса хотин-қизларни хабардор қилиш, ўрта таълим мактабларида, ўрта маҳсус таълим юртларида ва олий ўқув юртларида турли давра сухбатлари ва ўқув курслари ташкил этиш орқали одам савдосига қарши курашиш, қолаверса, ушбу

жиноятнинг содир этилиши ва уни юзага келтирувчи сабаблар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма эътиборига турли кўрсатувлар тайёрланиши ва оммани хабардор этиш масалаларига кўпроқ эътибор беришлари талаб этилади. Зоро, жамият аъзоларини ушбу жиноятнинг салбий оқибатлари ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш, уларнинг маънавий жиҳатдан баркамол бўлишини таъминлаш учун курашиш, уларнинг билим ва савиясини ошириш, уларнинг хулқи, ахлоқи ва дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатиш ушбу жиноят илдизларини қирқища мухим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятлари институтларининг одам савдосининг олдини олиш борасидаги яна бир мухим йўналишлари бу — жамиятни иқтисодий ривожлантириш ва шу орқали жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш, шу орқали мухтожлик ва ишсизликни бартараф қилишга эришишдир.

Одам савдоси жиноятининг олдини олиш ишларида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, бандликка кўмаклашиш марказлари, корхона, муассасаларнинг жамоалари, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш, таълим, шунингдек ҳусусий корхона, тижорат тузилмалари ҳам иштирок этадилар. Бизга маълумки, 2008 йил 18 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасида айнан одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга мазкур Қонунининг "Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш" деб номланган 8-моддасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органла-

ри, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади, деб белгилаб қўйилган. Шу нормадан келиб чиқиб, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ҳамда зарур ёрдам кўрсатадилар.

Одам савдосига қарши кураш, унинг олдини олиш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштироки, хусусан, маҳалланинг иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ҳаммамизга маълумки, Ватан остонондан, инсон қалбида эзгулик туйғулари эса, оиласдан бошланади. Ана шундай оиласларни эзгулик томон чорлайдиган, ёрқин истиқдол сари етаклайдиган ҳамда некбин амалларни мужассамлаштирадиган маскан бу — маҳалладир. Маҳаллани том маънода тарбия даргоҳи дейиш мумкин. Негаки, ҳар бир киши, аввало, оиласида улғаяди, ўз маҳалласида камол топади. Маҳалла ҳар қандай бидъат ва хурофотларга қарши курашувчи, яхшиликни тарғиб қилувчи, урф-одатларимизни, қадриятларимизни ўргатувчи мактаб. Қалбларни эзгу фикрлар билан тўлдирадиган, инсонларни яхшиликка чорлайдиган, комиллик сари етаклайдиган куч ҳам бу маҳалладир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз парламентнинг ўтган беш йил давомидаги эришган ютуқлари ва фаолиятига баҳо бериш билан бир вақтда

мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида маҳалла институтини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган эдилар. Жумладан, маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан маҳалла институти йилдан-йилга такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йиллари солномасига назар ташлайдиган бўлсак, маҳалла институти изчиллик билан ислоҳ қилиниб борилаётганлигини кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 сентябрдаги "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 октябрдаги "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим ўрин тутди. Ана шу тарихий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, ҳалқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, аҳоли ўртасида маданий ва матърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат, кишилар ўртасида ўзаро бири-бирини тушуниш ва яхши қўшничилик ғоялари бўйича фаол ташвиқот ва тарфибот ишларини олиб бориш, ночор оиласарга мөддий ёрдам кўрсатиш, маҳаллани ободонлаштириш каби кўплаб вазифаларни ўз зиммасига олган "Маҳалла" хайрия жамғармасига асос солинди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятининг ривожла-

ниш ва тараққиёт йўли — давлат органлари ўрнини жамоат тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан босқичма-босқич эгалланиши, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" қўйилган илдам қадамлар билан ўлчанади.

Бугун бирон-бир кунимизни, тўй-ҳашамларимиз, қувончу ташвишларимиз, қўйингки, бутун ҳёти-мизни маҳалласиз тасаввур қиломаймиз. Шу нуқтаи назардан айтганда, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" юриш айнан маҳалла институтини ривожлантириш ва уни янада такомилаштиришдан бошланганлиги ҳаммамизга аён. Чунки маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувига асослангандир. Лўнда қилиб айтганда, маҳалла жамиятнинг илдизи. У қанчалик бақувват бўлса, жамият ҳам шу қадар ривож топади. Бу эса ҳар бир фуқаро учун қулайлик, эркинлик ва фаровонлик туғдириши, табиий.

Бугунги кунда маҳалла тизими фуқароларимизнинг энг долзарб муаммоларини, шу жумладан одам савдосига оид муаммоларни ҳал этиш ва унинг олдини олишда, одам савдосидан жабрланган фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилишда беқиёс институттага айланди. Унинг одам савдосига қарши кураш борасидаги ёшларимиз маънавий-ахлоқий тарбиясига даҳлдор масалаларни ҳал этиш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ўрни ҳам ўта муҳимдир. Дарҳақиқат, маҳалла — улуг даргоҳ. Унда мамлакатимиз борлиғи мужассам. Демак, бугунги кунда истиқболга юз тутиб бораётган маҳалла институтини, биз учун қадрли бўлган ана шу даргоҳни эъзозлаб, унинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи мавжуд қонунларга ҳурмат билан қарашимиз, янги-янги қонунлар ижод қилишимиз ва уларнинг ижроси бўйича юксак ҳуқуқий маданиятга

эришишимиз, бу борада фидоийлик, жонкуярлик ва сафарбарлик кўрсатишимиз даркор.

Шу ўринда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тузилган одам савдосига қарши курашиш бўйича жамоат кенгашларига маҳаллаларда истиқомат қилаётган зиёли ҳуқуқшунос мутахассисларни жалб этиш, зарур ҳолда уларнинг иш жойларига расмий хат билан мурожаат этиш тартибини киритиш лозим. Шунингдек, чет элларга ишлаш учун кетган ва қайтиб келган фуқароларнинг тўлиқ рўйхатини ва улар тўғрисидаги маълумотларни фуқаролар йиғини раиси, профилактика нозири, "Маҳалла посбони" тузилмаси сардори ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалар бўйича маслаҳатчи иштирокида хонадонма-хонадон юриб ўрганиш асосида мунтазам равиша тўлдириб боришни ташкил этиш керак.

Чет элларга ишлаш учун кетган ва қайтиб келган фуқаролар бўйича маълумотлар базасини яратиб, ички ишлар идоралари билан маълумот алмашувини мунтазам равиша йўлга қўйиш ва ҳар ойда камида бир маротаба ўзаро маълумотларни таққослаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Одам савдосига қарши курашиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қуватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3434-сонли Фармони²⁴га асосан тузилган Хотин-қизлар ташки-

²⁴Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 21-сон, 251-модда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 5-сон, 113-модда.

лотининг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак. Республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур ташкилот зиммасига муҳим вазифалар юклатилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида қўйидагилар эътироф этилди:

— хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан ўстириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат қурилишида фаол қатнашишлари соҳасидаги умуммиллий сиёсатни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни ҳаётта татбиқ қилиш;

— хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оиласи шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмунини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

— жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалиари, таълим муассасаларида) миллий-диний анъана-ларни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий хуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи кучларнинг хо-

тин-қизлар онгига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятта жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган ишларни самарали ташкил қилиш;

— хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлантириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнларида. Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишларга йўналтириш.²⁵

Одам савдоси жиноятининг келиб чиқиш сабабларининг олдини олиш ва унга қарши курашища Хотин-қизлар қўмитасининг алоҳида ўрни мавжуд. Шунинг учун ҳам мазкур ташкилот хотин-қизларга одам савдосига оид жиноят содир этилиши ҳақидағи ахборотлардан хабардор қилиб бориш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан турли учрашувлар ўтказиш, маҳаллаларда носоғлом мухитда яшаётган вояга етмаган қизларни назорат остига олиш ишларини ташкил этишда жонбозлик кўрсатадилар.

Одам савдосига қарши кураш олиб борувчи ижтимоий кучлар ҳамкорлигида оммавий ахборот воситалари алоҳида ўринга эга. Оммавий ахборот воситалари орқали айнан одам савдоси жиноятларини олини олиш учун турли телекўрсатувлар тайёрлаш, жиноят жабрланувчилари билан учрашувларни ташкиллаштириш ва жиноят содир этилиши тўғрисидағи маълумотларни етказиб турилиши мақсаддага мувофиқ бўлади. Шу мақсадда одам савдосига қарши

²⁵ "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2004 йил, 21-сон, 251-модда; "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 2004 йил, 5-сон, 113-модда.

курашишга қаратилган кўрсатувларни кўпайтириш, бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари билан оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги лойиҳаларини ўтказиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Оммавий ахборот воситалари орқали одам савдо-сининг олдини олишга оид ишларни ёритишда қонунларни, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларни яхши билиш талаб этилади. Одам савдосига доир суд очеркларини тайёрлашда жиноят қурбонлари ҳақидаги маълумотларнинг конфиденциал(маҳфий)лигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Журналистларимиз шу нозик жиҳатларини унутмасликлари талаб этилади. Қолаверса, журналистлар мазкур масалага янада масъулият билан ёндошиб, ўз касбий маҳоратларини мунтазам ошириб боришлиари лозим бўлади, одам савдосига бағишлиланган материаллар оммавий ахборот воситаларида мунтазам равиша ёритиб борилиши зарур.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, одам савдоси жиноятига қарши курашишда аҳолининг бу тоифадаги жиноятлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши муҳим омиллардан биридир. Чунки огоҳ фуқаро ҳеч қачон одам савдоси қурбонига айланиб қолмайди. Жойларда Комиссиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирмасдан туриб, бу соҳада кутилган натижага эришиб бўлмайди. Мисол учун, ҳудуддан узоқ муддатта чиқиб кетган фуқаронинг аниқ ҳисобини маҳалла фуқаролар йигинлари ёки хотин-қизлар қўмитаси ёрдамисиз юритиб бўлмайди. Ёки узоқ муддат хорижда бўлиб қайтган, одам савдосидан жабрланган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ишта жойлаштириш масалаларини бир идора кучи билан ҳал этиш мумкин эмас. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун ички

ишилар идоралари, тиббиёт муассасалари, бандлик-ка күмаклашиш марказлари, маҳалла фуқаролар йигинлари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа идоралар биргаликда ишлашлари лозим бўлади.

5. ОДАМ САВДОСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ПЕДАГОГИК ПРОФЛАКТИКА ИШЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маълумки, 2003 йилда Ўзбекистон БМТнинг 1949 йилги одамлар савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликнинг ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясига қўшилган. 2008 йилда эса одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қиммиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколи ратификация қилинди ва одамлар савдоси тўғрисида аҳолига маълумот бериш, жиноятдан жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти санарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни қўллаб-қувватлаш орқали унинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни З-моддасида одам савдосига қарши курашиш одам савдосининг олдини олиш, уни аниқдаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият эканлиги ўз ифодасини топди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда одам савдосига қарши курашнинг барча ҳуқуқий асослари яратилганлигини кўрсатади. Қолаверса, мазкур Қонун билан одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консулийк муассасалари, Ўзбекистон

Республикаси Соғылқын сақлаш вазирилиги эътироф этилди. Ундан ташқари, одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун хужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин-лигининг белгиланиши таълим муассасалари зиммасига ҳам одам савдосига қарши кураш борасида вазифалар юклайди. Бу эса, ўз навбатида одам савдосининг олдини олишга қаратилган педагогик профлактика ишлари самарадорлигини оширишини тақозо этади.

Таъкидлаш керакки, одам савдосига қарши кураш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дунё глобаллашувининг кенг камровли имкониятлари, замонавий ахборот коммуникация технологияларининг бекиёс қулайликлари бугунги жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасизdir. Шу билан бирга бу имкониятлар турли ёвуз мақсадларни кўзлаган кимсаларнинг инсониятга қарши жиноий қилмишларининг кенг тус олиши, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам восита бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига хавф солиб турибди. Трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли кўринишларидан дунёдаги барча мамлакатлар қайситир даражаларда жабр кўряпти. Бу эса ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этишни, одам савдосига қарши курашищда халқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтиришни, жойларда мазкур жиноятнинг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, одам савдосига қарши кураш борасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қонун ҳужжатлари, қатор дастур ва режаларга назар ташлаб, Давлатимиз раҳбари ва Ҳукуматимиз томонидан мамлакатимизда истиқомат қилаётган бирор инсон бу мудҳиш жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун жуда қатъий ва жиiddий чоралар кўрилаётганлиги, барча саъй-ҳаракатлар комплекс равиша амалга оширилаёттанинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бинобарин, бу саъй-ҳаракатларга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргалиқда барча турдаги ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик ҳам жалб этилган. Зеро, ҳар қандай жиноий иллатга қарши курашиш ҳар бир инсонда ўз тақдири ва ҳаётига бефарқ бўлмаслик, бу масалада доимо хушёр ва огоҳ бўлиш ҳиссини кучайтиришдан бошланади.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларининг, тинчосойишта ҳаёти, уларнинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари дахлизилигини таъминлаш энг муҳим устувор вазифаларимиздан саналади, албатта. Мухтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, бизнинг энг асосий бойлигимиз — ҳалқимиз эканлигини назарда тутсак, бу устувор вазифамизнинг теран моҳияти, мазмуни янада ойдинлашади. Қолаверса, ҳар бир юртдошимизнинг бундай таҳликали таҳдидлардан ҳоли яшashi жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оиласарда тинчлик-хотиржамлик, бағри бутунлик ҳукм суриши билан боғлиқлигини эътибордан колдириб бўлмайди.

2008 йил 17 апрелда кабул килинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, одам савдоси жинояти билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик одам савдосига

қарши курашишнинг асосий принциплари сифатида белгиланиши бежиз эмас. Мазкур Қонунга биноан давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатишлари лозим.

Юртимиз фуқароларини бу турдаги жиноятнинг муддиш оқибатларидан асраш, ҳимоялаш ушбу жиноий хатти-ҳаракатдан жабр кўрганларга амалий ёрдам кўрсатилишига доир чора-тадбирларнинг ҳуқуқий базаси яратилиши билан бир қаторда мажмуавий йўналишлар ҳам белгилаб олинган. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш санарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти Қарорига асосан тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси белгиланган Низом асосида бу борада кенг фаолият юритмоқда. Мазкур Республика идоралараро комиссия томонидан амалга оширилаётган тарғибот тадбирларига оид режасида тегишли вазирликлар ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Хотин-қизлар қўумитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази олдига қўйилган аниқ вазифалар ижроси изчил таъминланмоқда. Маълумотларга қараганда, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси томонидан ўтган даврда 30 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўtkазилган. 4,5 миллион дона буклет нашр этилган. Одам савдоси хавфи ва оқибатларидан огоҳ

этувчи 300 мингдан ортиқ плакатлар, 1438 та баннерлар ишлаб чиқилиб, аҳоли гавжум жойларда ўрнатилган.²⁶

Кези келганда, дунё миқёсида олиб қараганда одам савдоси жиноятидан, айниқса, аёллар ва болалар кўпроқ жабр кўраётганига эътибор қаратиш жоиз. Шу боис, тарғибот ишларида аҳолининг барча қатламларини жалб этиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавияти, онг-тафаккурида тўғри қарашларни мустаҳкамлаш, болалар ва ўсмирларга жиноятчи-ларга алданиб қолмасликни содда, тушунарли ва ишончли тарзда тушунтиришга жиддий ёндашиляпти. Албатта, жойларда тарғиботнинг самарали ва таъсирчан услубларда ўтказилишини таъминлашдек зарур талаблардан келиб чиқиб иш олиб борилмоқда. Шу мақсадда тадбирлар жараёнида мавзуга оид видеотасмалар, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланилмоқда, одам савдоси, унинг салбий оқибатларини акс эттирувчи плакат ва буклетлар тайёрланниб, жойларда тарқатиляпти. Мамлакатимиз фуқароларининг чет элга ишлаш, даволаниш, дам олиш ва бошқа мақсадларда чиқиши юзасидан маслаҳат ва ҳуқуқий ёрдам беришга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари мунтазам равища ташкил этилмоқда.

Шу ўринда тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётганлигини зътироф этиш жоиз. Миллионлаб томошабинларни жамлаган телевидение, радио, кўп сонли мухлисларга эга бўлган газета ва журналлардаги кўплаб чиқишлар аҳолини бефарқ қолдирмайди. Бу аҳолининг мулоҳазалари

²⁶ Одам савдоси – аср муаммоси // "Ҳуқуқ ва бурч", 2012 йил 3-сон, 21-бет.

ҳамда фуқаролар қилаёттган мурожаатларда ҳам ўз ифодасини топти. Оммавий ахборот воситаларидағи чиқишиларда фуқароларни огоҳликка ундан, турли мақсадларда ноқонуний йўллар билан хорижга чиқишининг салбий оқибатлари мутахассисларимиз томонидан атрофлича, кўплаб ҳаётий мисоллар, жиддий таҳдиллар асосида тушунтириб берилиши ҳам муҳим аҳамиятта эга.

Академик лицейлар ва коллежларда ўқувчилар учун одам савдосига қарши кураш мавзусига оид маҳсус ўқув машғулотлари жорий этилганлиги ўсмирёшларнинг ушбу жиноят ҳақида атрофлича маълумотта эга бўлишлари, унинг мазмуни, ҳуқуқий оқибатларини англаб етишларида катта ёрдам беради. Ушбу маърузаларда одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби қилмишларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириб, бундай ҳолатлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида батафсил маълумот берилмоқда. Бинобарин, ўзлари танимаган жиноятчи кимсаларга хаёлий бойлик илинжида эргашиб, боши берк кўчага кириб қолганлар, улар томонидан мажбурий меҳнат ёки бошқа хизматлар, фаҳш билан шуғулланишга, эрксиз ҳолатда, тутқунликда яашашга мажбур этилаётган кимсалар ҳақидаги суҳбатлар, инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишдек мудҳиш кабиҳдикларга дучор қилинаётган ҳолатлар ҳақида ахборотлар бериш мазкур жиноятларнинг олдини олишда муҳим тарбиявий вазифани бажаради.

“Одам савдосига қарши курашиш – давр талаби”, “Инсон озодлиги – олий қадрият”, “Одам савдоси – миллатга хиёнатдир”, “Биз ўшлар одам савдосига қаршимиз” каби кўплаб мавзуларда юртимизнинг шаҳар ва туманлари, маҳаллаларда, ўқув

муассасаларида мунтазам равишида семинар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилиб борилиши, ушбу тадбирларни қизғин мулоқот, фойдали фикр алма-шувлар, савол-жавоблар тарзида ўтказишга зъти-борни кучайтириш, бундай тадбирларни янада кенгроқ ва кўпроқ амалга ошириш талаб этилади. Бундай тарбибот тадбирларига, айниқса ёшларни кенг жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади. Зоро, ёшлар эртанги кунимиз эгалари, бизнинг келгуси бахту иқболимиздир. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақдли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигиdir".²⁷

Инсон яралибдики, ҳурлик, озодликка, ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-мақсадларига эришишга интилади, бахту иқболини аввало ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг мустаҳкам ҳимоясида кўради. Озодлик истаги нафақат инсон, балки табиатдаги ҳар бир мавжудотта тааллуқли бўлса ажаб эмаски, оддий гиёҳнинг нурга қараб талпинишида бунинг ифодасини кўргандек бўламиз. Инсон эса она замин гултожи, унинг гуллаб-яшнаши, ер юзида ўз ҳаётининг давомийлигига масъудидир.

Шу ўринда одам савдоси жиноятининг олдини олиш борасида амалга ошириш лозим бўлган ишлар ҳақида айрим мулоҳазаларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

²⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент. "Ўзбекистон". 2008. 566

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров одамларнинг яширин трафиги билан шуғулланаётган халқаро жиноий тузилмаларга алоқадор гурӯҳлар, уларнинг жиноий каналларини аниқлаш учун бундай мақсадда фуқаролар олиб ўтилаётган (транзит) ҳамда эксплуатация қилинаётган давлатнинг тегишли хизматлари билан тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ва биргалиқда тергов-тезкор ҳаракатларини амалга ошириш лозимдир, деган асосли фикрларни билдиради.²⁸

Одам савдосининг олдини олиш мақсадида туман ва шаҳарларда мазкур жиноят жабланувчиларини аниқлаб, улар билан тушунтириш ишларини олиб бориш лозим. Ундан ташқари, ушбу жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шартшароитларни ўрганиб, таҳдил қилиб боришни ташкил этиш керак. Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида айбланувчилар ва жабланувчилар фаолият кўрсатган меҳнат жамоалирида, улар яшаган маҳаллаларда профилактика йўналишида йиғилишлар ўtkазиш ва фуқароларга содир этилган жиноятларнинг тафсилотларини узлуксиз етказиб туриш ишларини кучайтириш талаб этилади.

Шунингдек, фуқароларга чет давлатга ишга жойлашиш учун чиқиш тартибларини тушунтириб бориш, четга элларга бориб ишлашни хоҳлаётган шахслар, айниқса аёлларнинг ёши, оиласвий шароити, чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларнинг ота-оналаридан ёзма розилик олиш масаласига эътиборни кучайтириш талаб этилади. Қолаверса, жиноят жабланувчиларини соғлом ҳаётга қайтариш учун маъ-

²⁸ Қодиров Р.Х. Трансмиллий жиноятчилик - инсониятта таҳдид. Одам савдоси - умумжаҳон миқёсидаги муаммо // Ж. Инсон ва қонун. 46-47-сонлари. 2008 йил 21 октябрь.

навий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқиш ва жиноят жабрланувчилари иш билан таъминланишини маҳалла жамоатчилиги назорати остига олиш лозим бўлади. Жиноят жабрланувчиларига етказилган маънавий ва моддий заарни айбланувчилардан ундириб бериш, ва ниҳоят кенг оммани жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг оқибатларидан ҳақида матбуотда, телеведение ва радио орқали ҳардор қилиб бориш амалиётини янада такомиллаштириш, вояга етмаганлар жиноят жабрланувчи-си бўлишини олдини олиш мақсадида мактаб ва лицейларда ўқув курслари ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Одам савдосини олдини олиш борасида педагогтарбиячиларнинг хизмати ва ўрни алоҳида. Шу сабабли, ҳар бир педагог, тарбиячи одам савдоси муаммосига бефарқ бўлмай, ушбу иллатни олдини олишга қатъий киришиши керак. Юқорида кўрсатиб ўтган, одам савдосини келтириб чиқарадиган барча омилларни, жумладан, газеталардаги эълонлар орқали (чет элда ишлаш, ўқиши), интернет орқали, норасмий тармоқлар орқали, яқин танишлар ёки қариндошлар орқали, маҳсус агентлар (профессионал одам ёлловчилар) орқали, ноқонуний туристик, чет элда ишга ёки ўқишига ёлловчи агентликлар орқали, танишув хизматлари, сохта никоҳ тузиш орқали одамларни жалб этиб, алдаб одам савдоси қурбонларига айланишининг олдини олиб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилиш лозим. Энг асосийси, ҳар биримиз онгли инсонлармиз, ҳар биримиз бундан хушёр бўлишимиз ва унга қарши курашибимиз лозим.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборот билан таъминланишини ошириш одам савдосини олдини олиш ишларида ўзига хос вазифани бажаради. Хусусан, хорижга чиқиш ҳужжатларини тайёрлаш-

да Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари мансабдор шахслари хорижга чиқувчилар ўртасида ушбу қонунбузарликларни олдини олиш учун тушунтириш ишларини олиб борадилар. Бундай ишлар доирасида аҳоли одам савдоси ва ташриф буюрган давлатларида фоҳиша-бозлик ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар билан шуғулланмаслик ҳақида огоҳлантирилади.

Бундан ташқари, аҳолининг мавзуга оид ахборотлар билан таъминланишида, қулликнинг замонавий кўринишига жалб қилинишининг олдини олишда аҳоли ўртасида кенг кўламли ишларни амалга оширувчи давлат ва нодавлат институтлари муҳим ўрин тутади. Ушбу фаолият доирасида семинарлар ўтказилиб, унда аҳолининг иш билан бандлиги ҳолати ва хорижда қонуний ишга жойлаштириш ҳақида масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек одам савдоси билан шуғулланувчилар томонидан ўзларининг потенциал қурбонларини қидиришда кўп ишлатиладиган, ҳар бир фуқаро ўзининг хавфсизлиги нуқтаи назаридан унга дуч келганида сергак тортиши лозим бўлган усуllар муҳокама қилиниши лозим. Чунки одам савдоси қурбони бўлган кўпчилик шахслар, ҳатто уларни ўз давлати чегарасидан ташқарида қандай хавф-хатар кутаётганлигини билмайдилар.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборот билан таъминланиши даражасини оширишда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, турли оммавий ахборот воситаларидага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва соғлиқни сақлаш органларининг матбуот хизматлари билан ҳамкорликда ғайриқонуний миграциянинг хавфли оқибатлари, оммавий ахборот воситалари ва тери-таносил касаликларини юқтириш хавфи, жинсий ҳаракатлар қилиш билан боғлиқ ишлар ва бошқаларга оид маълумотлар нашр ва намойиш қилинади.

Одам савдоси бўйича қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилишнинг натижалари юзасидан фаол профилактика ишлари республиканинг тергов органлари томонидан амалга оширилади: уни содир қилишга кўмак берган жиноятни содир этиш шарт-шароити, сабаби ва ҳолати, олдини олиш мақсадида жабрланувчи ва айбланувчининг иш жойи ва яшаш жойидаги аҳоли хабардор қилинади.

Ёшларнинг ахлоқий тарбияси даражасини ошириш, мустақил фикрловчи ва ҳаётга комил ишонч билан қаровчи ёшларни тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Шу мақсадда фоҳишабозлик, порнография, гиёҳвандлик, алкоголизм, тамаки истеъмоли ва бошқа шу каби иллатларга қарши кураш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш, маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш (масалан, расмлар кўргазмаси ёки театрлаштирилган кўринишлар), спорт тўгараклари ишларни ташкиллаштириш, ўқув юртларида спорт мусобақаларини ўтказиш ва бошқалар орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш имконияти яратилади.

Бугунги кунда айни йўналишдаги кенг кўламли ишларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Оила" илмий-амалий маркази ва оммавий ахборот воситалари томонидан амалга оширилмоқда.

Одам савдосини олдини олиш мақсадида кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Шунга кўра, ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳарбий хизматни ўтаганларни жойларда иш билан таъминлаш ва олий таълим муассасаларида ўқишини таъминлашга кўмаклашиш масъулиятини ошириш чораларини кучайтиришлари лозим бўлади.

Корхона ва ташкилотларнинг талабларига кўра, ўқув курслари ва қайта тайёрлаш курслари ташкил қилиниши ҳам муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, кичик корхона ва микро фирмаларни ривожлантириш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва молиявий аҳволини яхшилаш, янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали янги иш жойларини яратиш ҳам одам савдоси каби жиноятларнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади.

Оиласидаги келишмовчиликлар ва жанжаллар, кўп ҳолларда аёлларнинг нафақат уйдан кетиб қолиши, балки давлатдан чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигига оиласида аёлнинг ўрни, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳурмат қилиниши, инсонни зўрлаш ҳолатларига йўл қўймаслик лозимлиги масалаларига бағишлиб семинарлар, мунозара клублари, давра сұхбатлари ташкил этилиши ҳам одам савдосини олдини олишда ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Одам савдосининг олдини олишда мазкур масалага бағишлиланган ўқув қўлланмалари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, театрлаштирилган сахна кўринишларини ташкил қилиш ҳам яхши натижга беради. Олий ўқув юртлари, колледжлар, лицейлар ва мактабларда доимий равишда одам савдосига қарши курашга бағишлиланган факультатив дарслар ўтказишни йўлга қўйиш зарур.

Юқорида қайд этилганидек, одамлар савоси трансмиллий жиноят турига мансуб бўлганлигини эътиборга олган ҳолда ушбу жиноятни олдини олиш юзасидан давлатлараро чора-тадбирлар ҳамда муҳим

вазифалар амалага оширилиши лозим. Хусусан, давлатлараро миқёсда одам савдосининг одини олиш ва у билан курашиш, одамлар, айниқса, аёллар ва болаларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳамкорлик ишларини кучайтириш, давлатлар ўртасида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равиша ахборот компанияларини ўтказиб бориш, шунингдек ижтимоий-иктисодий ташаббусларни амалга ошириш каби чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш лозим. Қолаверса, ҳамкор давлатлар одам савдосига қарши кураш бўйича ҳаракатларни амалга оширишда ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган сиёsat, дастурлар ва бошқа чоралар тегишли ҳолларда давлатта қарашли бўлмаган ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан ҳамкорликни ҳам ўз ичига олиши лозим. Ундан ташқари, иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали одамлар, айниқса, аёллар ва болаларни одамлар савдоси нуқтаи назаридан ноилож (қарам) ҳолатта тушиб қолишиларига олиб келувчи йўқсиллик, ривожланишнинг паст дарражадалиги ва тенг имкониятларнинг йўқлиги каби омиллар таъсирини камайтиришга қаратилган чораларни кўришлари ёки такомиллаштиришлари лозим бўлади. Ва ниҳоят, иштирокчи-давлатлар одамлар, айниқса, аёллар ва болалардан ҳар қандай шаклда фойдаланиш одамлар савдосига олиб келгани учун унга нисбатан бўлган талабни йўқотишига қаратилган таълим, маданият ёки ижтимоий соҳада икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қонунчиликдаги ёки тегишли бошқа чораларни қабул қилишлари ёхуд такомиллаштиришлари лозим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ишга қабул қилишнинг минимал ёши тўғрисидаги ва болалар

мехнатидан фойдаланишнинг ёмон шаклларига дарҳол барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциялар ратификация қилинганилиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Миллий ҳаракат режасини тасдиқлаган. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистонда болалар қуллиги ёки унинг қулликка ўхшаш барча шаклларига барҳам беришга қаратилган тадбирлар рўйхати киритилган. Бундай тадбирлар қаторида:

- болаларни меҳнатнинг ёмон шаклларига жалб қилган ота-оналар, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар жавобгарлик белгилаш ва уни кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш йўли билан қонунларни инвентаризация қилиш;
- меҳнат қонунчилигида белгиланган ишга қабул қилишнинг минимал ёши ва 18 ёшга тўлмаганлар учун меҳнат шароитларининг яратилиши устидан назоратни таъминлаш;
- сурункали дарс қолдирган ҳар бир ўқувчини муҳокама қилиш орқали, барча таълим муассасасида ўқувчилар давоматининг назоратини таъминлаш;
- таълим муассасаси раҳбарининг ўқувчилар контингенти ва уларнинг давомати учун шахсан жавобгар эканлигини белгилаш;
- таълим муассасасига бормаётган болаларнинг ота-оналарига таъсир кўрсатиш ва болаларни ўқиш жойларига қайтариш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини кучайтириш;
- вояга етмаганлар иши билан шуғуланувчи комиссиялар, Ҳалқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси ва "Камолот" ёшлар жамоатчилик ташкилоти ҳамкорлигида нотинч оиласардаги болалар аҳволининг мониторингини амалга ошириш;
- касб-ҳунар колледжлари, академик лицейлар ва Олий ўқув юртларида "Меҳнат ҳуқуқи" ва Биз-

нес билан танишиш" фанлари бўйича ўқув режала-ри ва ўқув дастурларини киритиш ва ҳ.к.лар назар-да тутилган.

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олишда ушбу масалага бағишлиланган қонунчиликни кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Одам савдосига қарши қонуналар мав-жудлигидан фуқароларнинг доимий равища хабар-дор бўлиши ва улардан ижтимоий муносабатларга киришиш давомида фойдаланишлари учун тарғибот ишлари доимий равища олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

"Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик ва-зифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар он-гида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўли-дан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир"²⁹, деган эди Президентимиз, демократик ислоҳотларни ўтказишнинг муҳим шартларини таъкидлаб ўтар экан. Жамиятдаги ўзгаришларга баҳо бериб, шуни айтиш мумкинки, демократия шароитларида қонун-чиликни такомиллаштириш давлат сиёсатининг му-ҳим шартларидандир. Қонуналарнинг жамият барча қатламлари учун аҳамиятини ошириш учун қонун-ийликни таъминлаш муҳим вазифалардан ҳисоб-ланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Чунки одам савдоси инсон, унинг шаъни, қадр-қимматига даҳл қилувчи, унинг инсо-

²⁹ Каримов И.А: Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. -Б. 34.

ний ҳуқуқларини поймол қилувчи ва бугунги кунда чегара билмас даражада барча ҳудудларни қамраб оловчи умумжаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади. Айниқса, мазкур жиноят бошқа трансмиллий жиноятларнинг янада кенг ёйилиши учун шароит яратмоқда. Бу эса барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Бу борада одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. –Тошкент, Ўзбекистон 1996. й.
2. КаримовИ.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. й.
3. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пиравард мақсадимиз. Том 8. –Тошкент, Ўзбекистон, 2000 й.
4. Каримов И.А: Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. й.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Ўзбекистон 2008.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республиқаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь, 220 (5135)-сони.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон. 2012 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. –Тошкент, Адолат. 2011 й.
9. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги ЎРҚ-154-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й. 4-сон, 190-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 18 апрель 2008 йил нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2008 йил, 28-сон, 268-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 16 сентябрдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-179-сонли Қонуни // “Халқ сўзи” газетаси, 2008 йил 17 сентябр сони.

12. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколни ратификация қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-160-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 й. 7-сон, 351-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 9 июль 2008 йил нашр этилган, расмий нашр этилган кундан сўнг кучга кирган.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури тўғрисида” 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сонли қарори // “Халқ сўзи”, 2012 йил 28 февраль. “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2012 йил, 10-сон, 99-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 2-сон, 44-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли Қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, 2008 йил, 44-45-сон, 445-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сонли қарори // “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахбротномаси”, 2009 й., 6-сон.

16. Жўраев Э. Инсон ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида // “Ҳуқуқ ва бурч”, № 8-9, 2008, 19-б.

17. Одам савдоси – аср муаммоси // “Ҳуқуқ ва бурч” 2012 йил 3-сон, 21-бет.

18. Рустамбоев М.Х. Янги жиноят қонуни бўйича одам савдоси учун жавобгарлик. Рисола. –Т.: ТДЮИ, 2009. 5-8.-бетлар

19. Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш // “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси”, № 2, 2008, 2-б.

20. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. -Тошкент: “Адолат” нашриёти. 1992. -12 б.

21. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти тўғрисида қўлланма // -Т.: -2004. -Б. 21-22.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июнда қабул қилинган “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим мусассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сонли қарори // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2012 йил, 25-сон, 273-модда.

23. Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо // “Ҳуқуқ ва бурч”, 10-сони, 2008, 3-б.

24. Қодиров Р.Х. Трансмиллий жиноятчилик - инсониятга таҳдид. Одам савдоси - умумжаҳон миқёсидаги

муаммо // Инсон ва қонун. 46-47-сонлари. 2008 йил 21 октябрь.

25. БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25 резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда маъқулланган Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги қарорига мувофиқ қўшилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1949 йил 2 декабрдаги 317-сонли Резолюцияси билан маъқулланган.

26. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун одам савдосига қарши курашиш бўйича қўлланма.
—Тошкент, 2009.

ИЛОВАЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИ**

**17.04.2008 й.
N ЎРҚ-154**

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ТҮГРИСИДА**

**Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 18 марта қабул қилинган**

**Сенат томонидан
2008 йил 27 марта маъқулланган**

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Одам савдосига қарши курашиш түгрисидаги қонун ҳужжатлари

Одам савдосига қарши курашиш түгрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш түгрисидаги қонун ҳуж-

жатларида назарда тутылганидан бошқача қоидалар белгиланған бўлса, ҳалқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

З-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

одам савдосига қарши курашиб – одам савдосининг оддини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималаштириш, одам савдосидан жабрланғанларга ёрдам кўрсатиш бўйича фолият;

одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбураш шакларидан фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шакларини, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахс – мустақил равища ёки бир гурӯҳ шахслар таркибида одам савдоси билан борлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўқинлик қилиши ва қарши кура-

шиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

4-модда. Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари

Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади:

- қонунийлик;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;
- одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
- ижтимоий ҳамкорлик.

2-БОБ. ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуийдагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик вақолатхоналари ва консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси (бундан буён матнда Идоралараро комиссия деб юритилади) тузилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳрида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар (бундан бўён матнда ҳудудий идоралараро комиссиялар деб юритилади) ҳам тузилиши мумкин.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

- давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;
- одам савдосининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида ахборот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;
- ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

7-модда. Одам савдосига қарпи курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

- одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича суриширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;
- одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг статистика ҳисобини ташкил этади ва амалга оширади;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гурӯҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро ташкилотлар ҳамда бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;
- одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
- одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гурӯҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларига ахборот тақдим этади;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огохлантириш-профилактика ишларини ўтказади;
- Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларида назарда тутилган, ички ишлар органлари ваколатига кирадиган тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

— халқаро террорчиллик ташкилотлари ва уюшган жиноий гурухларнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан алоқаларини аниқлайди;

— халқаро террорчиллик ташкилотлари ва уюшган жиноий гурухлар томонидан амалга ошириладиган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки тергов ўтказади;

— одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

— одам савдосидан жабрланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширади;

— одам савдосидан жабрланганларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади, уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда уларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга консуллик йифимлари ва бошқа йифимларни ундирамасдан Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳукуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

— зарур бўлган ҳолларда чет давлатларнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;

— одам савдосидан жабрланганларга уларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни белгиланган тартибда ташкил этади.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

8-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

З-БОБ. ОДАМ САВДОСИДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА ЁРДАМ КҮРСАТИШ

9-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам күрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам күрсатиши ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам күрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар (бундан буён матнда ихтисослаштирилган муассасалар деб юритилади) ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;
- одам савдосидан жабрланганларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;
- одам савдосидан жабрланганларга шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;
- одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга оширади.

10-модда. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психолого-гик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтингчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатла-рида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбе-кистон Республикаси Вазирлар Маъқкамаси томо-нидан белгиланади.

11-модда. Одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарла-ри уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳуж-жатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисос-лаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак.

Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлашти-рилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасала-рига қатнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан бехабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни қидириш чоралари кўрилади.

12-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқдаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чораларини куради.

Агар одам савдосидан жабрланган чет зл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ, бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам берәётган бўлса, суриштирувчинг, терговчининг, прокурорнинг, судъянинг асослантирилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар, депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хавфсизлик чоралари қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

— одам савдосидан жабрланган қайси шахсларга нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари, суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган бўлса, шу шахслар билан алоқани уларнинг мажбурловисиз тиклаган бўлса;

— шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга бўлган хоҳиши ёлғон эканлиги ёхуд шахснинг жавобгарлиқдан бўйин товлаш усули эканлиги ишончли тарзда аниқланган бўлса.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарлиқдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

13-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрнини қоплаш

Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

14-модда. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик

Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсн;

- давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлиари ва бекор қилишиларини таъминласин.

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эъти-
боран кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И.Каримов

Ушбу Қонун "Халқ сўзи" газетасида 2008 йил 18
апрелда эълон қилинган.

"Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари
тўплами", 2008 йил, 16-сон, 118-модда.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**08.07.2008 й.
N ПҚ-911**

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш түгрисида” 2008 йил 17 апрелдаги Қонунига мувофиқ ҳамда одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасига киритилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

3. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсан.

Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш түгрисида”ги Қонунига мувофиқ Республика Идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

— одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш;
- одам савдоси күлами, ҳолати ва тенденциялари тұғрисида ахборот түплаш ва таҳдил этиш;
- ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам күрсатиш ва ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бүйича таклифлар тайёрлаш;
- одам савдосига қарши курашиш тұғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш.

4. Одам савдосига қарши курашиш бүйича Республика Идоралараро комиссияси тұғрисидаги Низом З-иловага мувофиқ тасдиқлансын.

Белгилансинки, Одам савдосига қарши курашиш бүйича Республика Идоралараро комиссиясининг ваколатига кирадиган масалалар бүйича қарорлари барча вазирліклар, давлат құмиталари, идоралар, жамоат ташкилотлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан бажарилиши шарт.

5. Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилюятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимліктери одам савдосига қарши курашиш бүйича ҳудудий идоралараро комиссияларни түзсін ва фаолиятини ташкил этсін.

Белгилаб қўйилсанки, одам савдосига қарши курашиш бүйича ҳудудий идоралараро комиссияларга тегишли равища Қарақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгашы Раиси, вилюятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчиллик қиласы.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, ушбу муассасалар томонидан одам савдосида жабр кўрганларни ижтимоий жиҳатдан тиклаш ишларини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қиласин ҳамда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б.Абдуллаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 28-сон, 268-модда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

16.09.2008 й. N ЎРҚ-179

**"ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ
ТҮҒРИСИДА" ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА
ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Қонунчилик палатаси томонидан
2008 йил 14 августда қабул қилинган**

**Сенат томонидан
2008 йил 29 августда маъқулланган**

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, N 9, 144-модда; 1997 йил, N 2, 56-модда, N 9, 241-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда, N 9, 181-модда; 1999 йил, N 1, 20-модда, N 5, 124-модда, N 9, 229-модда; 2000 йил, N 5-6, 153-модда; 2001 йил, N 1-2, 23-модда, N 9-10, 165-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, N 1, 8-модда, N 9-10, 149-модда; 2004 йил, N 1-2, 18-модда, N 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, N 9, 314-модда, N 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, N 6, 261-модда, N 12, 656-модда; 2007 йил, N 4, 158, 166-моддалар, N 6, 248-модда, N 9, 416, 422-

моддалар, N 12, 607-модда; 2008 йил, N 4, 187, 188, 189-моддалар) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) 135-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

"135-модда. Одам савдоси

Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш -

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

- а) ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурашнинг бошқа шаклларини қўллаш орқали;
- б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;
- в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;
- г) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- з) жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда;
- и) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;
- к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, -

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

в) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

г) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, -

саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

2) саккизинчи бўлим қўйидаги мазмундаги атама билан тўлдирилсин:

"Одамлардан фойдаланиш - бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шаҳвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш".

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

И. Каримов

Ушбу Қонун "Халқ сўзи" газетасида 2008 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИ**

**08.07.2008 й.
N ЎРҚ-160**

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
ТРАНСМИЛЛИЙ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА
ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСИНИ (НЬЮ-ЙОРК, 2000 ЙИЛ
15 НОЯБРЬ) ТҮЛДИРУВЧИ ОДАМ САВДОСИНИНГ,
АЙНИҚСА АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА УНГА ЧЕК ҚҮЙИШ ВА
УНИНГ УЧУН ЖАЗОЛАШ ҲАҚИДАГИ
ПРОТОКОЛНИ
РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ТҮФРИСИДА**

**Қонунчиллик палатаси томонидан
2008 йил 23 июня қабул қилинган**

**Сенат томонидан 2008 йил
27 июня маъқулланган**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) түлдирувчи Одам савдосиининг, айниқса аёллар ва болалар савдосиининг оддини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидағи Протокол қуидаги баёнот билан ратификация қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси ўзини ушбу Протоколнинг 15-моддаси 2-банди қоидалари билан боғлиқ деб ҳисобламайди”.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. Каримов

“Халқ сўзи”, 2008 йил 9 июль

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**05.11.2008 й.
N 240**

**ОДАМ САВДОСИ ЖАБРДИЙДАЛАРИГА
ЁРДАМ БЕРИШ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА РЕАБИЛИТАЦИЯ
МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮҒРИСИДА**

"Одам савдосига қарши курашиш түғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари түғрисида" 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сон қарори билан ташкил этилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилиги ҳузурида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича 30 ўринга мўлжалланган Республика реабилитация марказини ташкил этиш түғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгилансин:

одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек озиқовқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

- одам савдоси жабрдийдаларига кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
- одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигини таъминлаш;
- одам савдоси жабрдийдаларининг қариндошлиари билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш;
- одам савдоси жабрдийдаларига, уларнинг қариндошларига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш;
- одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш.

3. Қуидагилар:

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ходимларининг умумий сони 20 нафар, шу жумладан, бошқарув ходимлари сони 5 нафар бўлган тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирига, зарурият бўлганда, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг тасдиқланган тузилмасига ходимларининг штатда белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг директори Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иж-

тимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

— бир ой муддатда Республика реабилитация марказини юқори малакали мутахассислар билан бутласин;

— бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг фаолияти юксак даражада ташкил этилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

— 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Республика реабилитация марказини жиҳозлашга ва унинг жорий таъминотига маблағ ажратсин;

— 2009 йилдан бошлиб республика бюджети параметрларида Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг фаолият кўрсатиши учун зарур маблағлар ажратсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати талаблари-

га мувофиқ Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини жойлаштириш учун ма-ҳаллий бюджетни ижро этишда қўшимча равишда олинган даромадлар ва ҳомийлик маблағлари ҳисобига зарур таъмираш ишларини бажариб, бино ажратсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Р.С. Косимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.Каримов

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2008 йил, 44-45-сон, 445-модда.

**Вазирлар Маъдкамасининг
2008 йил 5 ноябрдаги
240-сон қарорига
1-ИЛОВА**

**Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам
бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича
Республика реабилитация марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий сони 20 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари - 5 киши; тиббиёт ходимлари - 9 киши; хизмат кўрсатувчи ходимлар - 6 киши.

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 44-45-сон, 445-модда.

**Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 5 ноябрдаги
240-сон қарорига
2-ИЛОВА**

**Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш
ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика
реабилитация маркази тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази (кейинги ўринларда - Республика реабилитация маркази деб аталади)нинг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек одам савдоси жабрдийдаларини нормал ҳаёт тарзига қайтариш мақсадида уларга ижтимоий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш тартиби-ни белгилайди.

2. Республика реабилитация маркази Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига идоравий мансубdir.

3. Республика реабилитация маркази юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

4. Республика реабилитация маркази ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармой-

ишлиарига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

5. Республика реабилитация маркази ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Одам савдоси жабрдийдалари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Республика реабилитация марказининг хизматларидан фойдаланувчилар ҳисобланади.

II. РЕСПУБЛИКА РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

7. Республика реабилитация маркази ўз фаолиятини қўйидаги асосий тамойиллар асосида амалга оширади:

- одам савдоси жабрдийдаларининг камситилишига йўл қўймаслик;
- одам савдоси жабрдийдаларининг шахсий ҳаёти ва шахси махфийлигига риоя қилиш;
- ижтимоий ва юридик қўллаб-қувватлаш ҳамда якка тартибда парвариш қилиш.

8. Қўйидагилар Республика реабилитация марказининг асосий вазифалари ва функциялари ҳисобланади:

- одам савдоси жабрдийдаларини қулай ящаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;
- одам савдоси жабрдийдаларига кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш;
- одам савдоси жабрдийдалари хавфсизлигини таъминлаш;
- одам савдоси жабрдийдаларининг қариндошлири билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш;
- одам савдоси жабрдийдаларига, уларнинг қариндошлирига ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот бериш;
- одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилишда кўмаклашиш.

III. РЕСПУБЛИКА РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9. Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдаларига комплекс хизматлар кўрсатади.

10. Одам савдоси жабрдийдаларини Республика реабилитация марказига жойлаштириш одам савдоси жабрдийдаларининг ихтиёрий хоҳиши ҳамда реабилитация марказининг директори, ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари томонидан қабул қилинадиган қўшма қарор асосида амалга оширилади.

11. Одам савдоси жабрдийдалари Республика реабилитация марказига ўттиз кун муддатгача жойлаштирилади. Зарурият бўлганда одам савдоси жабрдийдаларининг яшаш муддати уч ой муддатгача узайтирилиши мумкин. Агар одам савдоси жабрдийдаларининг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилса яшаш муддати кўрсатиб ўтилган жабрдийдаларни ҳимоя қилиш учун зарур деб ҳисобланган даврга узайтирилади.

12. Одам савдоси жабрдийдаларига реабилитация марказини уларнинг ўзларининг ёзма мурожатларига мувофиқ ўз хоҳиши билан тарк этиш ҳукуқи берилади.

13. Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдалари бўлган эркаклар ва аёлларни шунингдек болаларни алоҳида жойлаштиради.

14. Республика реабилитация маркази одам савдоси жабрдийдаларига:

- кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам беради;

- ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот тақдим этади;

- хавфсизлигини таъминлайди;

- овқатланиш, доривор воситалар ва тиббий бүймлар билан таъминлайди;
- қулай яшаш шароитлари ва шахсий гигиена билан таъминлайди;
- қариндошлар билан алоқа ўрнатишга кўмаклашади;
- одам савдоси жабрдийдалари ижтимоий реабилитация қилинишига кўмаклашади.

15. Одам савдосининг ҳар бир жабрдийдасига соғлиқнинг ҳолатини комплекс текшириб чиқиш ва баҳолаш натижалари, ижтимоий, психологик, юридик ва бошқа ёрдам зарурлиги бўйича ишлаб чиқиладиган ҳар бир шахсни реабилитация қилиш режаси асосида ёрдам кўрсатилади. Одам савдоси жабрдийдаларининг ҳар бир шахсни реабилитация қилиш режасининг ягона шакли Республика реабилитация маркази томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

16. Республика реабилитация маркази ёки реабилитация қилишда қатнашувчи бошқа идораларнинг мутахассислари, заруриятга кура, реабилитация жараёнида одам савдоси жабрдийдаларига тиббий, ижтимоий, психологик, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш юзасидан реабилитация жараёнига тузатиш киритиш мақсадида ҳар бир шахсни реабилитация қилиш режасига тегишли ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Реабилитация чора-тадбирлари бажарилгандан кейин реабилитация маркази раҳбарияти томонидан мутасадди врач билан биргаликда ҳар бир шахсни реабилитация қилиш режасига мувофиқ амалга оширилган реабилитация натижалари баҳоланади.

17. Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам (атрофадигилар учун хавф туғдирадиган наркология, психиат-

рия, дермовенерология, сил, юқумли касалліклар ва бошқалар) белгиланған тартибда тегишли ихти-сослиқдаги ихтисослаштирилған тиббиёт муассаса-ларида күрсатиласы.

18. Одам савдоси жабрдийдалари реабилитация марказида бўлган даврда уларга, агар бу одам сав-доси жабрдийдалари манфаатларига зид бўлмаса, яқин қариндошлар, қонуний вакиллар билан муно-сабатлар ўрнатиш ва уларни сақлаб туриш шарт-шароитлари таъминланади.

19. Одам савдоси жабрдийдаларини реабилита-ция марказидан чиқаришга тайёрлаш ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда реабилитация марказининг масъ-ул ходими кузатуви остида амалга оширилади.

20. Одам савдоси жабрдийдалари реабилитация марказидан чиққанларидан кейин нормал турмуш тарзига тўлиқ қайтгунларига қадар юридик масла-ҳат бериш, тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича реабилитация маркази хизматларидан фой-даланишлари мумкин.

21. Одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий ре-абилитация қилиш ички ишлар органлари ҳамда ва-сийлик ва ҳомийлик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари билан ҳамкорликда реабилитация мар-кази томонидан таъминланади.

22. Ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари Республика реабилитация марказининг буюртма-номалари бўйича одам савдоси жабрдийдаларига:

- одам савдоси жабрдийдаларининг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи мавжуд суд тартиб-қоидалари ва маъмурӣ тартиб-қоидалар тӯғрисида мақбул шаклдаги ахборотни тақдим этадилар ва бошқа зарур юридик ёрдамни кўрсатадилар;
- тиббий кўриқдан ўтиш ва мутахассиснинг маслаҳат бериши воситасида малакали психологик ва тиббий ёрдам берадилар;
- профессионал жиҳатдан реабилитация қилинишда ва ишга жойлашишда кўмаклашадилар;
- одам савдоси жабрдийдаларининг болалари таълим муассасаларига қатнашини таъминлайдилар.

23. Одам савдоси жабрдийдаси қайтарилиган оила устидан, унга нисбатан одам савдоси такроран соодир этилишининг олдини олиш мақсадида, бир йил мобайнида мониторинг олиб борилиши керак. Мониторинг мобайнида реабилитация маркази, ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари мутахассислари томонидан шахс қайтгандан кейин унинг оиласидаги ҳолати баҳоланади.

IV. РЕСПУБЛИКА РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИННИГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

24. Республика реабилитация марказига Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қиласи.

25. Республика реабилитация маркази директори:

— реабилитация марказининг фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи ва реабилитация марказига юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

— харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ходимларнинг штат жадвалини, уларни моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш миқдори ва шаклларини тасдиқлайди, таклиф этиладиган мутахассисларга ҳақ тўлаш миқдорларини белгилайди;

— реабилитация маркази ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласи;

— қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ реабилитация маркази ходимлари узлуксиз ўқишини ва улар мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтишини таъминлайди;

— ҳар бир йил якунлари бўйича Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясига реабилитация марказининг фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

— Реабилитация маркази раҳбари реабилитация марказининг жорий фаолияти билан боғлиқ бошقا масалаларни ҳам ҳал этади.

26. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, зарурият бўлганда, Республика реабилитация марказининг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг штатда белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

V. РЕСПУБЛИКА РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИННИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УНИНГ МОЛ-МУЛКИ

27. Куйидагилар Республика реабилитация маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

- давлат бюджети маблағлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушадиган маблағлар.

28. Республика реабилитация марказининг молмуркини асосий фонdlар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқалар) ва айланма маблағлар, шунингдек қиймати Республика реабилитация марказининг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа мол-мулк ташкил этади.

VI. ҲИСОБ, ҲИСОБОТ ВА НАЗОРАТ

29. Республика реабилитация маркази белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тегишли органларга тақдим этади.

30. Республика реабилитация марказининг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

VII. ОДАМ САВДОСИ ЖАБРДИЙДАЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ОШКОР ҚИЛИНГАНЛИГИ УЧУН РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

31. Республика реабилитация марказининг ходимлари одам савдоси жабрдийдалари түгрисидаги маълумотлар ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**VIII. РЕСПУБЛИКА РЕАБИЛИТАЦИЯ
МАРКАЗНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

32. Республика реабилитация марказини қайта ташкил этиш ёки тугатиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2008 йил, 44-45-сон, 445-модда.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиянинг намунавий НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар

1.1. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий идоралараро комиссияси (бундан кейин матнда ҳудудий комиссия деб юритилади) одам савдосига қарши курашиш соҳаси ҳудудий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

1.2. Ҳудудий комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Одам савдосига қарши кураш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг (бундан кейин матнда Республика Идоралараро комиссия деб юритилади) қарорлари ва мазкур Низом талаблари асосида амалга оширади.

I. Ҳудудий комиссиянинг асосий вазифалари

Ҳудудий комиссиянинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

2.1. Одам савдосига қарши курашиш борасида ҳудудий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

2.2. Тегишли ҳудудда одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва уларни амалга ошириш.

2.3. Тегишли ҳудудда одам савдоси кўлами, ҳолати ва тенденциялари, шунингдек одам савдосидан жабрланган фуқароларга кўрсатилган ёрдам тўғрисидаги ахборотни тўплаш, таҳдил қилиш ҳамда ҳар ойда Республика Идоралараро комиссисига тақдим этиш.

2.4. Одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида қонунчиликни тушунтириш ва тарғибот ишларини ташкиллаштириш ва уларда бевосита иштирок этиш.

II. Ҳудудий комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 2.5. Ҳудудий комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга: ҳудудий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларидан ҳудудий комиссия ваколатига доир маълумотларни белгиланган тартибда талаб қилиб олиш;
- 2.6. Одам савдосига қарши курашишга доир чоратадбирларнинг бажарилиши юзасидан, шунингдек одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга кўмаклашувчи шароитларни аниқлаш мақсадида ваколати доирасида жойларда текширишлар ўтказиш;
- 2.7. Одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятни амалга оширувчи ҳудудий давлат органлари раҳбарларининг мазкур масалага оид ҳисоботлари ва маърузаларини эшлиши;
- 2.8. Ҳудудий комиссияга қўйидаги мажбуриятлар юклатилади:
- 2.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда одам савдосига карши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш юзасидан қарорларини сўзсиз ижро этиш;
- 2.10. Ўзининг қарорлари тегишли органлар ва мусассасалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш, бу борада мониторинглар ўтказиш.

III. Ҳудудий комиссия фаолиятини ташкил этиши

2.11. Ҳудудий комиссия таркиби ҳудудий комиссия раиси (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари) томонидан тасдиқланади.

2.12. Ўзига юклантган асосий вазифаларга муваффик ҳудудий комиссия ҳар йили ўз ишлари режасини тасдиқлайди, шунингдек раис ўринбосари, масъул котиб ва ҳудудий комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилайди.

2.13. Ҳудудий комиссия ўз фаолиятини доимий асосда юритади. Унинг мажлислари заруриятта кўра, бироқ ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

2.14. Ҳудудий комиссиянинг мажлиси унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

2.15. Ҳудудий комиссиянинг қарорлари мажлисда қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш очиқ усуlda ўтказилади. Ҳудудий комиссия аъзоларининг овози тенг бўлган тақдирда, унинг раиси овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

2.16. Ҳудудий комиссиянинг қарорлари мажлисда қат-нашган ҳудудий комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган ҳамда унинг раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

2.17. Ҳудудий комиссиянинг масъул котиби кундалик ишларни ва комиссия қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
ҚАРОРИ
24.11.2009 й.
N 12**

**ОДАМ САВДОСИГА ОИД ИШЛАР
БҮЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТҮФРИСИДА**

XX аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятта қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир-оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш түғрисида"ги Конвенциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи "Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида"ги Протоколни ратификация қилди, "Одам савдосига қарши курашиш түғрисида" Қонун қабул қилинди ва халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.

Одам савдосига оид қонунчиликни қўллашда масалалар юзага келаётганлиги муносабати билан ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, "Судлар түғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикасида энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа табиий ҳуқуқлари бўлиб, уларни таъминлаш Конституция билан кафолатланади.

Конунда одам савдоси учун жиноят жавобгарлик белгиланганлиги шахс эркинлигининг конституциявий кафолатларидан бири ҳисобланади.

2. Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозицияси мазмунига кўра, одам савдоси деганда, одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади.

3. Олди-сотди тариқасидаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мулк), мулкий ҳарактердаги хизматлар, мулкий ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳ.к.лар сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутади. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, олувчининг ҳаракатлари эса сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

4. Судлар шуни инобатта олишлари лозимки, олиш-сотиш тариқасидаги одам савдосидан фарқли равишда, Жиноят кодексининг 135-моддасида назар-

да тутилган бошқа барча ҳоллар (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш)да жиноий жа-вобгарлик юзага келишининг зарур шарти одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади.

Одам меҳнати ва хизматларидан меҳнат, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ (масалан, қурилиш ёки майший пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи ва юк ташиш, транспорт экспедицияси ва ҳ.к. шартномалар бўйича) фойдаланилган барча ҳолларда одам эксплуатацияси мавжуд бўлмайди. Бундай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ низолар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилиши керак.

5. Одамни эксплуатация қилиш бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринищдаги шаҳвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари ёки тўқималари олинишини англатади.

Фоҳишабозликда фойдаланиш деганда, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шаҳвоний муносабатларга киришишидан муттасил фойдаланиш тушунилади. Бошқа кўринищдаги шаҳвоний эксплуатация деганда, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузук ҳаракатлар содир этиш ва ҳ.к. мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади.

Мажбурий меҳнат бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурилашни англатади. Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуни кучга кирган ҳук-

мига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Қуллик - ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга оширилаётган шахс ахволи ёки ҳолатини англатади.

Эрксизлик ҳолати - шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равишда ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлигини англатади.

6. Одам савдосига оид ишларни тергов қилиш ёки кўришда тергов органлари ва судлар қўйидаги тушунчаларни аниқ фарқлашлари лозим:

— ёллаш деганда, эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва х.к) тушунилади;

— ташиш - шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин;

— топшириш - одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади;

— яшириш - жабрланувчини ҳокимият вакилларидан, қариндошларидан ёки унинг тақдиридан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади;

қабул қилиш - одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.)ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

7. Тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайтдан ёки қонуннинг мазкур моддасида кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан туталланган ҳисобланади.

Шу билан бирга, қилмишда айrim квалификация белгилари мавжуд бўлганда жиноятни туталланган деб топиш учун қонунда белгиланган оқибатлар (масалан, жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар) келиб чиқсан бўлиши керак.

Шуни инобатга олиш лозимки, айrim ҳолларда жиноятнинг туталланиш пайти эксплуатация тутаган (масалан, жабрланувчи қочиб кетган, жиноятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан барҳам берилган, жабрланувчи айборнинг ўзи ёки бошқа шахслар томонидан озод қилинган ва ҳ.к.) вақт билан боғлиқ бўлади.

8. Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан жабрланувчини ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш билан боғлиқ тарзда содир этилган одам савдоси квалификация қилинади.

Ўғирлаш деганда, одамни қонунга хилоф равишида, яширин ёки ошкора қўлга киритиш ва унинг эркига хилоф равишида уни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим.

Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиши деганда, боелаши, озодликдан маҳрум этиши, уриш-дўппослаш, ушлаб туришдан бошлаб, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлса-да, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият тудирган зўрликкача бўлган ҳар қандай мажбурлаш тушунилиши лозим.

Бошқа шаклдаги мажбурлаш деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиши ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиши ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўқадиган маълумотларни ёки уларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

9. Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми "г" банди билан айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахста нисбатан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

Моддий қарамлик, жумладан, жабрланувчи айбдорнинг тўлиқ ёки қисман қарамоғида бўлганлигини, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва ҳ.к.ни англатади.

Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдорга ҳар қандай номоддий қарамлигини (масалан, оиласвий муносабатлар, тобе шахснинг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини) тушуниш зарур.

10. Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳодда одам савдоси (Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми "ж" банди), бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан Жиноят кодексининг 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

11. Тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисми "з" бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг худудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ташийди ёки бошқа тарзда ўтказади ёхуд шахсни унинг эркига зид равища хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради.

Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равища ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилинишида намоён бўлади.

12. Таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексининг 135-моддаси учинчи қисми "б" банди бўйича жиноий жавобгарлик, фақат одам савдосида обьект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Бошқа оғир оқибатлар сифатида, жумладан, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юқтирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва ҳ.к. тан олиниши мумкин.

13. Қонун мазмунига кўра, алдаш йўли билан содир этилган олиш-сотиш, шунингдек, одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тариқаси-

даги одам савдоси Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва Жиноят кодексининг 168-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди, Жиноят кодексининг 168-моддаси учинчи қисми "а" банди бундан мустасно.

14. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, одам савдоси жинояти Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг "ж, з, и, к" бандлари, учинчи қисмининг "б" банди билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жинояtlар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида Жиноят кодексининг 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгилangan ҳоллардагина йўл қўйилади.

Агар одам савдосида шахс баданига қасдан оғиршикаст етказилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 135-моддаси иккинчи қисмининг "а" банди билан қамраб олинмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 104-моддаси тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилиниши лозим.

15. Одам савдосига оид ишларни кўришда судлар мазкур жиноят содир этилишига имкон яратган барча шахслар жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигини синчковлик билан текширишлари лозим. Айни пайтда иш бўйича шахснинг қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги аниқланган тақдирда, судлар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим.

16. Юқори инстанция судлари одам савдосига оид ишлар бўйича биринчи инстанция судлари чиқарган суд қарорларининг қонунийлиги ва асосалиги устидан тегишли назоратни таъминлашлари, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлашлари ва бартараф этишлари лозим.

Олий суд раиси

Б. Мустафаев

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

Ю. Турсунбаев

"Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахбротномаси", 2009 й., 6-сон.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Одам савдосига қарши курашишнинг қонунчилик асослари	10
Одам савдоси – ижтимоий педагогик муаммо	30
Одам савдоси миллий қадриятларимизга ёт иллат ...	38
Одам савдосининг олдини олишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли	43
Одам савдосининг олдини олишга қаратилган педагогик профлактика ишларининг хусусиятлари	58
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74
Иловалар	78

КАЙДЛАР УЧУН

8000 сұл.

**МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**БЕКМИРЗАЕВА МУҚАДДАСХОН ЭРГАШЕВНА
НОСИРОВ ИЛХОМ АББОСОВИЧ**

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ
ПЕДАГОГИК ПРОФЛАКТИКА
ИШЛАРИ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

(РИСОЛА)

Мұхаррір:
Акрам Декон

Tex. мұхаррір:
Файзулла Азизов

Дизайнер:
Отабек Ёкубов

«Muhartir» нашриёти
Лицензия: AI № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришта 2013 йил 22 апраңда берилди.

Босишига 2013 йил 02 майда рухсат этилди.

**Бичими: 84x108 $\frac{1}{16}$. «Virtec Peterburg Uz» гарнитурасыда
оффсет босма усулида оффсет қозозида босилди.**

4,125 шарт. б.т. 6 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нұсха. 58-сон буюртма.

«Мұхаррір» нашриёти матбаа бўлимидаги чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-ий

E-mail: Muhartir@list.ru